2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 213 (1812), 2026 йил 15 октябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН: ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан амалий ташриф билан Боку шаҳрига келди.



Ҳайдар Алиев номидаги халқаро аэропортда мамлакатимиз етакчисини Озарбайжон Бош вазирининг ўринбосари Шаҳин Мустафаев ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Боку шаҳрига амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчисини Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга раислиги муваффақиятли кечаётгани ҳамда унинг еттинчи саммити юқори савияда ташкил этилгани билан самимий табриклади.

Шу йилнинг август ойида Озарбайжон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча даражаларда самарали алоқалар йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ошди. Геология, энергетика, қурилиш, транспорт, логистика, енгил саноат, туризм ва бошқа соҳалардаги кооперация лойиҳалари фаол паллага кирди.

Маданий-гуманитар алмашинувнинг тадбирларга бой дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиб, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

15 октябрь куни Ўзбекистон етакчиси Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг еттинчи саммитида иштирок этади.

Саммит доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ҳам режалаштирилган.

ЎзА

ТОШКЕНТДА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Тошкент шаҳрида маҳаллаларни ободонлаштириш, янги мактаб ва боғчалар қуриш ҳамда шаҳар муҳитини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Яшнобод туманидаги Ватандош, Моҳинур, Ал-Бухорий ва Тонг маҳаллаларини комплекс янгилаш лойиҳаси тақдим этилди. Уларнинг умумий майдони 75 гектар бўлиб, бу ерда 18 минг 386 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Лойиҳа “15 дақиқалик маҳалла” тамойилига асосланган. Унга кўра, аҳоли учун зарур савдо ва маиший хизматлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, дам олиш ҳамда спорт масканлари одамларга қулай масофада жойлаштирилади.

Ҳудудда яшил майдонларни кенгайтириш, уч километрлик сайр йўлагини ташкил этиш, болалар ва спорт майдончаларини янгилаш, кўп тармоқли спорт иншоотини барпо этиш режалаштирилган. Мавжуд мактабларни кенгайтириш ҳисобига 2 мингта қўшимча ўқувчи ўрни яратиш, 540 ўринга мўлжалланган тўртта боғча ва учта поликлиника ташкил этиш ҳам назарда тутилмоқда.

Маҳаллаларда автомобилларни ҳовлилардан ташқарида жойлаштириш, жамоат транспорти бекатларини янгилаш, хавфсиз пиёда ва велосипед йўлакларини барпо этиш таклиф қилинди. Шунингдек, 76 та уйнинг ташқи кўриниши ва муҳандислик тармоқларини янгилаш, кўчаларни ёритиш, чиқинди йиғиш шохобчаларини кўпайтириш кўзда тутилган. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, кафе ҳамда аҳоли мулоқот қилиб, ҳордиқ чиқарадиган жойлар ташкил этилади.

“15 дақиқалик маҳалла” тамойили асосида пойтахтда 2027 йилда 100 та, 2030 йилга қадар эса 400 та маҳалла комплекс янгиланади. Бу жараёнда ушбу маҳаллалардаги барча инфратузилма, жумладан, иссиқлик, ичимлик сув, канализация, электр энергияси, газ ва ёритиш тизимлари, кўп квартирали уйлар фасадлари, йўл ва йўлаклар, болалар ва спорт майдончалари тўлиқ янгиланади. Маҳаллаларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган дарахт ва буталар сони халқаро стандартларга мослаштирилади.

2030 йилга қадар 400 та маҳаллада 130 мингта янги иш ўрни яратилади, хусусан, 2027 йилда 100 та маҳаллада 22 мингта. Бунинг учун банклар томонидан “конвейер” лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш тизими йўлга қўйилади.

Пойтахтда аҳоли сони ўсиши билан ўқувчи ўринлари танқислиги ортиб бормоқда. 2025-2026 ўқув йилида у 141 мингтани ташкил этган бўлса, кейинги беш йилда ўқувчилар сони 71 мингтага (14 фоиз) кўпайиши ҳисобига 2030-2031 ўқув йилига бориб, 212 мингтага етиши мумкин. Шу боис, 2030 йилгача республика бюджети ҳисобидан 48 мингта, маҳаллий бюджет ҳисобидан 78 мингта янги ўқувчи ўрни яратиш режалаштирилган. Натижада мактабларнинг юкламаси ҳозирги 1,4 коэффициентдан 2030 йилда 1,2 гача пасаяди.

2026-2027 ўқув йили учун умумий майдони 64,6 минг квадрат метр бўлган, жами 38 минг ўринли 24 та янги мактабнинг лойиҳалари тайёрланган. Мактабларнинг амалдаги намунавий лойиҳаларига 17 та янги имконият қўшилмоқда. Жумладан, қўшимча ўқув майдонлари, кутубхона, спорт ва маданият тадбирлари учун мослашувчан заллар, ўқитувчилар учун қулай хоналар кўзда тутилган. Лойиҳаларда пандус ва лифтлар, инклюзив таълим хоналари, тиббий хоналар, хавфсизлик ҳамда энергия тежамкорлик ечимлари ҳам назарда тутилган. Ҳаракат ва сув датчиклари ҳисобига электр энергияси сарфи 20 фоизгача, сув сарфи 10 фоизгача тежалади. Янги ечимлар ер майдонини 50 фоиз тежаш, бир ўқувчига тўғри келадиган майдон самарадорлигини 15 фоизга ошириш, спорт майдонларини уч баробар кенгайтириш имконини беради. Умуман олганда, намунавий лойиҳалар самарадорлиги 40 фоизга оширилади.

Хусусий таълим марказларининг давлат мактаблари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилади. Бу ўқувчиларнинг мактабнинг ўзида олийгоҳларга тайёрланиши ва янги тилларни ўрганиши учун шароит яратади.

Шаҳарда 3-7 ёшли болалар сони 253 мингтани ташкил этади. Уларнинг мактабгача таълим билан қамрови 79,2 фоиз, боғчалардаги ўринлар танқислиги эса 65 мингта. Шу боис, 2030 йилгача республика бюджети ҳисобидан 8 мингта, маҳаллий бюджет ҳисобидан 32 мингта қўшимча боғча ўрни яратиш режалаштирилмоқда. Натижада 2030 йилда қамров 92 фоизга етказилади. 2026-2027 ўқув йили учун эса умумий майдони 32 минг квадрат метр бўлган, жами 16 минг ўринли 28 та янги боғчанинг беш турдаги лойиҳалари тайёрланган.

Боғчаларнинг намунавий лойиҳасига болалар ривожланиши ва саломатлигига хизмат қилувчи 14 та янги ечим киритилмоқда. Уларда сенсор ва логопед хоналари, психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш жойлари, тиббий блок, турли машғулотларга мослаштириладиган заллар бўлади. Болалар хавфсизлиги учун видеокузатув ва жароҳатдан ҳимояловчи қопламалар, қулай муҳит яратиш учун ҳаво тозалагичлар, шунингдек, энергия тежамкор ёритиш ва қуёш панеллари кўзда тутилган. Бу орқали намунавий лойиҳалар самарадорлиги 38 фоизга оширилади.

Тақдимотда Учтепа туманида тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан “Uchtepa city” замонавий ишбилармонлик марказини барпо этиш лойиҳаси ҳам тақдим этилди. 37 гектар ҳудудда икки босқичда амалга ошириладиган лойиҳанинг биринчи босқичида 26 гектарда инвестор томонидан 1 миллиард доллар инвестиция киритилади. Иккинчи босқичда 11 гектарда турар жой ва хизмат кўрсатиш бинолари қурилади. Марказда кўп қаватли турар жойлар, офислар, савдо-кўнгилочар мажмуа, халқаро брендга эга меҳмонхона ва сайилгоҳ барпо этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон — Туркия дўстлик боғи ва Отатурк кўчасининг меъморий концепцияси ҳам намойиш қилинди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга тақдим этилган лойиҳаларни аҳоли эҳтиёжлари ва шаҳарсозлик талаблари асосида янада пухта ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

ЎзА

МАҲАЛЛА – ТАРАҚҚИЁТНИНГ БУЮРТМАЧИСИ

Халқ эҳтиёжидан давлат дастуригача

Олтинчи миллий дастур шарҳи

Маҳалла ўзгарса, ҳаёт ўзгаради. Маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади. Маҳаллада инсоннинг дарди эшитилса, унинг муаммоси ҳал этилса, давлатга ишонч мустаҳкамланади.
Бу оддий иборалар эмас. Бугун Ўзбекистонда маҳаллага муносабат давлат сиёсатидаги туб ўзгаришлардан бирини ифода этмоқда. Яъни маҳалла энди фақат аҳоли билан ишлайдиган қуйи бўғин эмас, балки ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилашда иштирок этадиган, эҳтиёж ва ташаббусларини давлат дастурларига олиб кирадиган фаол институтга айланмоқда.



Президентимизнинг давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида айтилган бир ғоя ана шу жараённинг янги босқичини жуда аниқ ифодалади: **“Олтинчи миллий дастур маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантиришга йўналтирилади”.**

Бу ғоянинг давоми янада муҳим: туман бюджети, инвестиция дастури ва инфратузилма лойиҳалари маҳалла буюртмаси асосида ишлаб чиқилади, фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжи, маҳалланинг фаровонлиги энг асосий мезонга айланади.

Маҳалла институтини янги босқичга кўтариш амалда бир кунда пайдо бўлган ғоя эмас. Бу ғоя 2017 йилдан бошланган, босқичма-босқич ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва ижтимоий механизмлар билан бойитиб борилган катта ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Давоми 3-бетда

Долзарб мавзу

ЯНГИ ҚУВВАТЛАР ИҚТИСОДИЁТНИНГ УЛКАН УФҚЛАРИНИ ОЧМОҚДА

4

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК УЧУН ИСТИҚБОЛЛИ МАЙДОН

Янги Тошкент мамлакатимиздаги энг йирик шаҳарсозлик лойиҳаларидан бири сифатида замонавий қиёфа касб этмоқда. Уч йил аввал бошланган ташаббус доирасида замонавий турар жойлар, йўллар, муҳандислик тармоқлари, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда яшил ҳудудлар барпо этилмоқда. Аммо янги шаҳарнинг истиқболи фақат қанча бино қурилиши билан эмас, балки бу ерда қандай иқтисодий муҳит шаклланиши, қанча иш ўрни яратилиши ва аҳоли учун қандай имкониятлар пайдо бўлиши билан ҳам белгиланади.

Президентимизнинг Янги Тошкентда инвесторлар ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари шаҳарни фақат яшаш ҳудуди эмас, балки бизнес, таълим, тиббиёт, туризм ва хизмат кўрсатиш ривожланган мустақил иқтисодий марказга айлантириш зарурлигини таъкидлади. Бу эса қурилиш суръатлари билан бир қаторда хусусий ташаббус, сармоя ва тадбиркорлик фаоллигини оширишни талаб этади.

Давоми 2-бетда

Муносабат



Янги Тошкент олдида турган асосий вазифа замонавий бинолар қад ростлаган ҳудудни тўлақонли иқтисодий марказга айлантиришдир. Бу вазифа давлат ва хусусий секторнинг самарали ҳамкорлиги, тадбиркорлар ташаббуси ва инвестиция оқилона йўналтирилиши орқали амалга ошади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 15 октябрь, 213-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Нуқтаи назар

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ



Эркин ДОРИПОВ, журналист

Янги Тошкентда бунёд этилган иншоотларни ишга тушириш ва янги лойиҳалар қурилишига старт бериш маросимида Президентимиз “ЎЗ” фалсафасини илгари сурди.

Мамлакатимиз етакчиси Янги Тошкент қурилишини жадаллаштириш масалалари юзасидан инвестор ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиб, сармоядорларни “хорижлик” ва “маҳаллий” деб ажратишга муносабат билдирди: “Капиталнинг, илғор ғоянинг ва ҳалол меҳнатнинг миллати йўқ!”. Бу сўзлар замирида янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг моҳияти яққол кўринади. Инсон қаердан келгани эмас, қилган иши ва юрт учун яратган қиймати қадрланади.

Ўзбекистон. Ўзгариш. Ўзлик. Масъулият. Дастлабки учта сўзнинг “ўз” бўғини билан бошланиши тасодиф эмасдек. Улар Ватан, ўзгариш ва ўзликни англашнинг уч поғонасини кўрсатади, тўртинчиси — масъулият эса уларни бирлаштириб туради.

Ўзбекистон харитадаги чегаралар билан белгиланган ҳудуддан кенг маънога эга. Бу — ота-боболаримиз меҳр билан эккан дарахтлар, оналаримиз тандирда ёпган иссиқ нон ҳиди, фарзандларимиз келажаги мужассам бўлган табаррук маскан. Ҳар биримиз ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни англайдиган, бурч ва масъулиятимизни ҳис этадиган, тақдиримиз ва келажагимизни боғлаган азиз макондир.

Ўзгариш — ўтмишни рад этиш эмас, уни янги кучга тўлдириб, олдинга юриш. Энг муҳими, ўзгариш ҳамиша одамнинг ўзидан бошланади. Кўчани, шаҳарни, иқтисодиётни ўзгартириш осон эмас, лекин одам ўзини ўзгартирмаса, ҳеч нарса ўзгармайди.

Ўзлик — илдиз. Дарахт қанчалик баланд ўсиб, шохлари осмонга интилса, илдизи шунча чуқурлашади. Ўзлигини англаган халқ дунёга юзлашишдан қўрқмайди. Чунки у йўқотмайди, балки бойийди. Янги Тошкент бунинг яққол исботидир. Дунёга очиқ, замонавий ва рақобатбардош, айни пайтда ўзлигини кўз-кўз қилаётган шаҳар.

Шу жиҳатдан “ЎЗ” миллий қадриятлар билан замонавий иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни боғлайдиган ахлоқий таянч вазифасини бажаради. Одам ўзини жамиятнинг эътиборли аъзоси деб ҳис қилса, масъулияти ҳам, ташаббуси ҳам ортиб боради.

Президентимизнинг таърифига кўра, кимки юртимизга сармоя киритиб, замонавий технология олиб келса ва одамларга иш ўрни яратса, қайси мамлакат ёки шаҳардан келганидан қатъи назар, умумий тараққиётга ҳисса қўшади. Унга “Кимки Янги Тошкентни ёки “Ширин”ни биз билан бирга қурса, демак, у тўлақонли ўзимизники!” деган сўзлар туташади. Бу билан давлатимиз раҳбари “ўзимизники” тушунчасини қон ёки жой эмас, умумий ишдаги иштирок белгилашини кўрсатди.

Бу ишонч аниқ кафолатларга таянади. Давлатимиз раҳбари сармоядорларнинг мулки ва бизнеси қонун, давлат ва шахсан ўзининг қатъий ҳимоясида бўлишини алоҳида қайд этди. Тадбиркор ва инвестор учун бу эътироф сўздагина эмас, ҳуқуқий ва амалий ҳимояда ҳам намоён бўлиши керак деган сиёсий мезондир.

Бундай ёндашув ички тадбиркорлик муҳитига ҳам, хорижий ҳамкорларга ҳам аниқ сигнал беради. Ўзбекистонда ҳамкорлик қадрланади. Ҳар бир ҳисса эътироф этилади ва ҳалол меҳнат ҳурмат топади.

“ЎЗ”ни фақат “ўзимизники” деган тор маънода талқин қилиш нотўғри. Ўзбекистондаги ўзгаришни ўзимнинг ўзгаришим, унинг ютуғини ўзимнинг ютуғим, келажагини ўзимнинг келажагим деб билиш лозим.

Президентимиз инвестор ва тадбиркорларни “Ўз ғоянг! Ўз сармоянг! Ўз келажагинг! Янги Ўзбекистон, Янги Тошкент — ўзимизники!” деган янги шиор атрофида бирлашишга чақирди ва Янги Тошкентда мамлакатимиз учун муҳим кўплаб ўзига хос лойиҳалар амалга оширилишига катта ишонч билдирди. Бу шиор “ўз” тушунчасининг одамларни бир-биридан ажратмай, умумий мақсад атрофида бирлаштиришини тасдиқлайди.

Айни позиция Президентимиз аввал белгилаб берган йўл билан ҳам уйғун. 2021 йил 6 ноябрь куни Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида Президентимиз дунёга очиқлик тамойилини ҳаётимиз қоидасига айлантиришга чақирган эди: Биз — дунёга, дунё — бизга очиқ бўлиши керак. Бугунги ҳаёт, бугунги тараққиётнинг талаби ҳам аслида шу. Биз ана шу ҳал қилувчи тамойилни албатта ҳаётимиз қоидасига айлантирамиз.

Бугун барпо этилаётган Янги Тошкент мазкур ғоянинг энг катта амалий ифодаларидан бирига айланмоқда. Шунингдек, Президентимиз Янги Тошкент билан бирга “Ширин” массивини ҳам тилга олиб, бу лойиҳаларда иштирок этаётганларни “ўзимизники” деб эътироф этди. Бу икки мисол “ЎЗ” фалсафаси пойтахтдагина эмас, мамлакатнинг турли ҳудудларида ўзгаришга қўшилишга чақириқни кўрсатади.

Президентимиз ушбу улкан ўзгаришларнинг бошида туриб, ғояни илгари сурди, мақсадни белгилади, ишончни мустаҳкамлади. Лекин ҳар қандай улуғ иш аввал одамга суянади. Йўлбошчи йўл кўрсатади, уни босиб ўтадиган эса халқдир.

“ЎЗ” фалсафаси ислоҳотлар натижаси учун умумий масъулият, ўзаро ишонч ва ҳар кимнинг аниқ ҳиссасига асосланган ҳамкорлик маданиятини шакллантиришга қаратилган. Унинг юрагида битта фикр бор: инсон қадри. Инсон тараққиётнинг кузатувчиси эмас, унинг муаллифидир. Қадри эътироф этилган одам юртига ишонади. Ишонч эса барқарор ривожланишнинг асосий шартидир.

Янги Ўзбекистон, Янги Тошкент — ўзимизники! Бу шунчаки шиор эмас, балки Ватан тақдирига дахлдорлик, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этиш ифодасидир. Зеро, Ватан — бизга аждодлардан мерос, авлодларга эса омонат. Уни асраб-авайлаш, обод этиш ва янада юксалтириш ҳар биримизнинг зиммамиздаги юксак масъулият, келажак авлодлар олдидаги ЎЗ муқаддас бурчимиздир.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК УЧУН ИСТИҚБОЛЛИ МАЙДОН

Муносабат



Актам ҲАИТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракция раҳбари

Бошланиши 1-бетда

Янги шаҳар учун жами 20 минг гектар ер ажратилган. Биринчи босқичда 6 минг гектар майдонда 50 миллиард долларлик лойиҳалар режалаштирилган. Бугунга қадар Янги Тошкентга 2 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритилган.

Бироқ мавжуд имкониятлардан фойдаланишда хусусий сектор иштироки ҳали етарли даражада эмас. Ҳозир минг гектардан ортиқ майдонда асосан давлат маблағи ҳисобидан қурилиш қилинаётган бўлса, тадбиркорларга ажратилган ер майдони 94 гектарни ташкил этмоқда.

Бу рақамлар олдинда бажарилиши лозим бўлган вазифани аниқ кўрсатади: Янги Тошкентда хусусий инвестиция улушини ошириш, давлат яратаётган инфратузилмани тадбиркорлик ташаббуслари билан тўлдириш керак. Зеро, замонавий шаҳарни фақат уйлар ва йўллар эмас, балки унда фаолият юритадиган корхоналар, кўрсатиладиган хизматлар, очиладиган муассасалар ва яратиладиган иш ўринлари ҳам шакллантиради.

Янги Тошкентда меҳмонхоналар, замонавий офислар, савдо ва сервис марказлари, ресторанлар, хусусий мактаблар, боғчалар, шифохоналар, маданий масканлар ҳамда технологик парклар ташкил этиш учун кенг имконият мавжуд. Бундай лойиҳалар шаҳарнинг иқтисодий ҳаётини жонлантириш билан бирга аҳоли бандлигини таъминлаш ва хизматлар сифатини оширишга ҳам хизмат қилади.

Қолаверса, ҳар қандай сармоядор учун маблағ билан бир қаторда вақт, ҳуқуқий аниқлик ва барқарор қоидалар муҳим. Ер ажратиш, рухсатномалар олиш ва лойиҳаларни келишиш жараёнлари қанчалик содда ва тушунарли бўлса, инвестиция кириши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Шу боис, мулоқотда инвесторларга амалий кўмак бериш, уларни турли идоралар ўртасида сарсон қилмаслик ва ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш масалаларига урғу берилди. Бу шунчаки маъмурий тартибларни ўзгартириш эмас. Гап инвестицияга муносабатни ўзгартириш, тадбиркорни назорат объекти сифатида эмас, иқтисодий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида кўриш ҳақида бормоқда.

Мулоқотда 28 та лотда ҳали фаол қурилиш бошланмагани қайд этилди. Буни фақат тадбиркорнинг маблағи ёки ташаббуси етишмаслиги билан изоҳлаб бўлмайди. Рухсат олиш жараёнлари чўзилиши, ортиқча талаблар ва идоралар ўртасидаги мувофиқлашув муаммолари ҳам лойиҳалар ўз вақтида бошланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Демак, ҳар бир кечикаётган лойиҳа сабабларини аниқ таҳлил қилиш, тадбиркор дуч келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш зарур. Чунки қоғозда турган лойиҳа иқтисодиётга ҳали наф келтирмайди. У ишга тушгандагина янги иш ўринлари, солиқ тушумлари ва аҳоли учун зарур хизматлар пайдо бўлади.

Янги Тошкентда тадбиркорликни рағбатлантириш учун инфратузилма тўловларини камайтириш чоралари белгиланган. Хусусан, савдо, сервис ва бизнес марказлари учун бундай тўловлар уч баробар, меҳмонхона ва туризм объектлари учун беш баробар, маданий ва кўнгилочар масканлар учун ўн баробар камайтирилади. Хусусий боғча, мактаб ва шифохоналар учун эса тўлов миқдори 1 фоиз этиб белгиланади.

Бу енгилликларнинг аҳамияти шундаки, улар шаҳарнинг кундалик ҳаёти учун зарур хизматлар ривожига туртки беради. Янги ҳудудда аҳоли сони кўпайгани сари болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш, мактабларда ўқитиш, тиббий хизмат кўрсатиш, савдо ва маиший хизматларни йўлга қўйишга эҳтиёж ортади.

Йил охирига қадар Янги Тошкентда 20 минг хонадонни фойдаланишга топшириш режалаштирилгани бу масаланинг долзарблигини янада оширади. Ҳар бир янги хонадон ортида бир оиланинг эҳтиёжлари, фарзандлар таълими, тиббий хизмат, харид ва дам олишга талаб турибди. Шунинг учун ижтимоий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектларини турар жойлар билан бирга ривожлантириш муҳим.

Тадбиркор учун эса бу — талаб шакланаётган бозорга ўз вақтида кириш имконияти. Бироқ бундай имкониятдан самарали фойдаланиш учун лойиҳаларни аҳолининг реал эҳтиёжи, хизматлар сифати ва узоқ муддатли иқтисодий самарадорликни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш лозим.



Қувонарлиси, қиймати 50 миллион доллардан юқори бўлган ҳар бир лойиҳага алоҳида масъул бириктирилиб, инвесторга лойиҳа тўлиқ ишга тушгунга қадар ҳамроҳлик қилинади. Бу ёндашув сармоядорнинг муаммоларини тезкор ҳал этиш, идоралар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга ошиши таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

“50 миллион доллардан юқори ҳар бир лойиҳага — битта инвестиция битими” тамойили асосида инвесторнинг мажбуриятлари ва таваккалчиликлари ҳисобга олиниб, унга мос имтиёзлар пакети белгиланади. Бундай механизм самараси унинг амалда қандай ишлашига боғлиқ. Инвестор учун белгиланган шартлар аниқ, мажбуриятлар ўзаро тушунарли ва масъул идоралар фаолияти мувофиқлаштирилган бўлиши керак. Ана шунда йирик сармояларни жалб қилиш билан бирга уларнинг белгиланган мақсадларга йўналтирилиши ва лойиҳалар ўз вақтида ишга тушишига эришиш мумкин.

Ер ажратишда очиқлик ва рақобатни кучайтириш ҳам шу мақсадга хизмат қилади. “Swiss challenge” тамойили асосида тадбиркорлар ўз лойиҳаларини таклиф этади ва ташаббуслар очиқ эълон қилинади. Агар бошқа иштирокчи яхшироқ шартларни таклиф қилмаса, ер биринчи ташаббускорга ажратилади.

Мазкур механизм ташаббускорнинг ғоясини амалий лойиҳага айлантириш имконини бериш билан бирга бошқа тадбиркорларга ҳам рақобат асосида иштирок этиш шароитини яратади. Энг муҳими, ердан фойдаланишда очиқликни таъминлаш ва иқтисодий жиҳатдан самарали таклифларни рағбатлантириш учун асос пайдо бўлади.

Янги Тошкентдаги инвестиция имкониятлари фақат пойтахт тадбиркорлари билан чекланмайди. Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманига, мамлакатимизнинг қолган 13 ҳудудига ҳам 100 гектардан ер ажратилиши кўзда тутилган. Дастлабки аукционларда тегишли ҳудуд тадбиркорларига устуворлик берилиши маҳаллий бизнес вакилларининг йирик инвестиция жараёнларидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ушбу қарорнинг иқтисодий аҳамияти шундаки, вилоят ва туманларда фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳам ўз капитали, тажрибаси ва бизнес ғоялари билан Янги Тошкент ривожига ҳисса қўшиш имкониятига эга бўлади. Натижада пойтахт ва ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар мустаҳкамланиши, янги ҳамкорлик лойиҳалари пайдо бўлиши мумкин.

Айни пайтда бундай имкониятлардан фойдаланиш тадбиркорларнинг тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Пухта бизнес режа, бозорни тўғри баҳолаш, молиявий барқарорлик ва лойиҳани белгиланган муддатларда амалга ошириш салоҳияти рақобатда муҳим ўрин тутади.

Шу маънода, Янги Тошкент ҳудудий бизнес учун фақат янги бозор эмас, балки ўз фаолиятини кенгайтириш, янги шериклар топиш ва замонавий лойиҳаларда иштирок этиш майдони ҳамдир.

Янги Тошкентни барпо этишда экологик талабларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда замонавий экологик стандартларга жавоб берадиган бинолар қурилиши белгиланган. Қиймати 50 миллион доллардан юқори бўлган нотурар жой лойиҳалари учун “яшил” сертификат олиш харажатлари давлат томонидан қопланади.

Бу чора экологик талабларга мос қурилишни рағбатлантириш билан бирга энергия ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда шаҳарнинг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш учун муҳимдир. Зеро, замонавий шаҳарсозлик фақат биноларнинг ташқи кўриниши ёки қурилиш тезлиги билан ўлчанмайди. Бинонинг энергия самарадорлиги, атроф-муҳитга таъсири, яшаш ва ишлаш учун қулайлиги ҳам унинг ҳақиқий қийматини белгилайди. Шунинг учун “яшил” технологияларга йўналтирилган сармояни келажак авлодлар манфаатига хизмат қиладиган инвестиция сифатида баҳолаш мумкин.

Президентимизнинг инвесторлар билан мулоқотда илгари сурган “Капиталнинг, илғор ғоянинг ва ҳалол меҳнатнинг миллати йўқ!” деган фикри ҳам кенг иқтисодий ҳамкорликнинг моҳиятини ифодалайди. Мамлакатимизга сармоя киритаётган, замонавий технологиялар олиб келаётган ва янги иш ўринлари яратаётган тадбиркорлар учун очиқ ва ишончли муҳит яратиш тараққиётнинг муҳим шартларидан биридир.

Йирик мегалойиҳанинг иқтисодий салоҳияти ер майдонлари, қурилиш ҳажми ёки инвестиция режалари билангина эмас, балки уларнинг амалдаги натижалари билан намоён бўлади. Лойиҳалар ўз вақтида ишга тушиши, тадбиркорлар учун белгиланган шароитлар амалда ишлаши, аҳоли зарур хизматлардан фойдаланиши ва янги иш ўринлари яратилиши керак.

Бунинг учун давлат томонидан барпо этилаётган инфратузилма хусусий инвестициялар билан уйғунлашиши, идоралар тадбиркорларга амалий кўмак кўрсатиши, ер ажратиш ва лойиҳаларни келишиш жараёнлари эса очиқ ва тушунарли бўлиши муҳим.

Янги Тошкент олдида турган асосий вазифа замонавий бинолар қад ростлаган ҳудудни тўлақонли иқтисодий марказга айлантиришдир. Бу вазифа давлат ва хусусий секторнинг самарали ҳамкорлиги, тадбиркорлар ташаббуси ва инвестиция оқилона йўналтирилиши орқали амалга ошади. Ана шунда янги шаҳар мамлакатимиз иқтисодиётига қўшимча қиймат яратадиган, аҳоли учун қулайлик ва тадбиркорлар учун истиқболли имкониятлар тақдим этадиган марказга айланади.

Юксалиш палласи

РОБОТОТЕХНИКА – КЕЛАЖАК МУҲАНДИСЛИГИ



Сафина ТЕШАБОЕВА, Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси менежери, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби

Ўзбекистонлик ёшларнинг футбол мусобақалари, шахмат ва фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, Ватанимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтараётганини кўриб, доим фахр ва ифтихор туйғусини ҳис қилардим. Шунда ўзимга савол берардим: нега ўзбек ёшлари замонавий технологиялар ва робототехника соҳасида ҳам дунёнинг энг кучлилари қаторида бўлмаслиги керак?

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, ахборот технологиялари ва муҳандислик соҳасини ўрганиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мен ўзбек ёшлари бу имкониятлардан фойдаланиб, халқаро робототехника мусобақаларида энг юқори натижаларга эриша олишига умид боғлардим. Шу ишонч билан Ўзбекистон терма жамоаси олдига улкан мақсад қўйдик.

Мутахассис сифатида ўзбек ёшларининг салоҳияти ва иқтидорига ишонардим. Бироқ катта натижаларга эришиш учун тинимсиз меҳнат, интизом ва пухта тайёргарлик зарурлигини ҳам яхши англардим. Шу боис, жамоамиз билан мақсад сари изчил ҳаракат қилдик. 7-10 октябрь кунлари Жанубий Кореяда ўтказилган “FIRST Global Challenge-2026” халқаро робототехника мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси учта олтин медални қўлга киритиб, мутлақ чемпион бўлди. Жамоамиз 16 та ўйиннинг барчасида ғалаба қозониб, 637 балл тўплади ва мусобақанинг рекорд натижасини қайд этди. 190 дан ортиқ мамлакат ёшлари иштирок этган нуфузли беллашувда бундай натижага эришиш осон бўлмади. Бу ғалаба йиллар давомидаги қилинган меҳнат, орттирилган тажриба ва жамоавий ҳамжиҳатлик самараси бўлди. Энг муҳими, биз ўзбек ёшларининг халқаро миқёсда рақобатлаша олишини амалда исботладик.

Терма жамоамиз 2022 йилдан буён “FIRST Global Challenge” мусобақасида иштирок этиб келмоқда. 2024 йили Грецияда ўтказилган мусобақада қўлга киритилган кумуш медаль терма жамоамизнинг халқаро миқёсдаги салоҳиятини намоён этган муҳим ютуқлардан бири бўлди. 2025 йили эса жамоамиз 190 га яқин мамлакат ва ҳудуд вакиллари иштирок этган беллашувда кучли тўртликдан жой олди. Бу кўрсаткичлар тасодифий эмас, балки изланиш, техник билимларни мунтазам ошириш, хатолардан сабоқ чиқариш ва ҳар бир мусобақага пухта тайёргарлик кўриш самарасидир. 2026 йилги ғалабамиз эса ана шу изчил ҳаракат ва тинимсиз меҳнатнинг мантиқий давоми, йиллар давомида тўпланган тажриба самараси бўлди.

Бу муваффақият ёшларимиздаги илмий салоҳият, муҳандисликка қизиқиш ва катта мақсадлар сари интилишнинг ёрқин ифодасидир. Энг муҳими, ушбу натижа янги авлодни робототехника, сунъий интеллект ва замонавий технологиялар соҳасида янада кўп изланиш, ўз ғояларини амалий лойиҳаларга айлантиришга руҳлантиради. Бугун халқаро майдонда қўлга киритилаётган ютуқлар эртанги куннинг малакали муҳандислари, дастурчилари ва технологик ечим яратувчиларини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Робототехника фақат робот ясаш ёки дастурлаш эмас. Бу ёшларни мустақил фикрлаш, муаммоларга ечим топиш, жамоа билан ишлаш ва янги ғояларни амалга оширишга ўргатадиган муҳим йўналиш. Кўплаб мамлакатларда робототехника спорт тури сифатида ривожланмоқда. Терма жамоамизнинг халқаро ютуқлари Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишнинг янада оммалашиши, ёшларнинг муҳандисликка қизиқиши ортишига хизмат қилади.

Менинг робототехникага кириб келишим ўзига хос кечган. Касбий фаолиятимни инглиз тили ўқитувчиси сифатида бошлаганман. Робототехника билан танишганимдан сўнг эса бу соҳанинг замонавийлиги, янгилиги ва имкониятлари ўзига жалб қилди. Бугун болаларга робототехникани ўргатиш билан бирга ўзим ҳам янги билим ва тажрибаларни эгаллаб келмоқдаман. Чунки ёшларга келажак технологияларини ўргатиш учун ўзим ҳам доим изланишда бўлишим керак.

Халқаро мусобақадаги ғалабамиз менга янада катта ишонч ва иштиёқ бағишлади. Президентимиз фармонига мувофиқ “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланганим эса зиммамга катта масъулият юклади. Мен учун бу мукофот нафақат қилган ишларимизга берилган баҳо, балки келгусида Ўзбекистонда робототехника ва муҳандислик соҳаларини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг халқаро майдонда янги ютуқларга эришиши учун хизмат қилишга ундайдиган катта рағбатдир.

Бугунги ғалабамиз — янги марралар сари қўйилган қадам. Ўзбек ёшлари илм-фан, технология ва муҳандислик соҳаларида ҳам дунёга танилиши учун барча шароитга эгамиз. Бунинг учун ёшларга ишонишимиз, имконият яратишимиз ва уларни қўллаб-қувватлашда давом этишимиз керак.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Олтинчи миллий дастур — маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантириш.

ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 15 октябрь, 213-сон



Маҳалла — ТАРАҚҚИЁТНИНГ БУЮРТМАЧИСИ

Халқ эҳтиёжидан давлат дастуригача



Фазлиддин РАВШАНОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Аслида, 2017 йил маҳалла ислоҳотларининг янги босқичи бошланганди. 2017 йил 3 февралда Президентимизнинг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унда маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уни аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Бу ҳужжатнинг аҳамияти шунда эдики, маҳалла фақат миллий ижтимоий институт эмас, балки давлат ва жамият ўртасидаги амалий мулоқот майдони сифатида кўрила бошланди. Одамлар онгида мана шундай анъанани шакллантиришга эътибор қаратилди.

2017 йилдаёқ маҳалланинг вазифалари кенгайтирилди: аҳоли бандлиги, ёшлар тарбияси, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш, жамоат тартиби ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби йўналишларда унинг иштироки кучайтирилди. Шу тариқа янги ёндашув шаклланди: муаммо — аввало маҳаллада аниқланади; ечим — одамлар билан бирга изланади; натижа — маҳаллада кўринади.

Маҳалла ҳақида гапирганда унинг фақат бошқарувдаги роли эмас, одамларнинг кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар ҳам муҳим. 2018 йилдан “Обод қишлоқ”, кейинчалик “Обод маҳалла” дастурлари орқали йўллар, ичимлик сув, электр тармоқлари, газ, транспорт, уй-жой ва ижтимоий инфратузилмани яхшилашга комплекс ёндашув шаклланди.

Жумладан, 2018 йилги “Обод қишлоқ” дастурида 174 тумандаги 368 дан ортиқ маҳалла ҳудуди комплекс янгиланди. Дастур асосида уй-жойларни таъмирлаш, 1535 километрдан зиёд ичимлик сув тармоқларини яхшилаш, 2083 километрдан кўп йўлларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш каби вазифалар амалга оширилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари эса бу ишларни тизимли давом эттирди. Расмий маълумотларга кўра, дастурларнинг аввалги уч йилида 1500 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллада йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари бажарилган.

Энг муҳими, кейинги ёндашувда эҳтиёж ва муаммога қараб манзилли ишлашга ўтишга киришилди. Яъни маҳалла иши рақамда эмас, инсон ҳаётида баҳоланадиган мезонга айланди. Шу даврда “маҳалла — жамиятнинг ойнаси” деган қарашдан “маҳалла — бош мезон” тамойилига ўтила бошлади.

2020 йилда Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида маҳалладаги ҳолатни давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезони сифатида белгилаш зарурлигини таъкидлади. Унда **“Бундан буён маҳалладаги ишларнинг аҳволи вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашда бош мезон бўлади”,** деган ёндашув илгари сурилди. Шунингдек, туман бюджети қўшимча манбаларининг бир қисмини маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш бўйича янги механизмлар белгиланди.

Бу ерда жуда муҳим бир сиёсий мантиқ пайдо бўлди: давлат идораси “қанча иш қилдим?” деб эмас, маҳалла “қандай ўзгарди?” деб баҳоланиши керак. Бу амалда натижага йўналтирилган бошқарувнинг энг муҳим белгиларидан бири эди.

Маҳалла ҳақиқий буюртмачига айланиши учун унинг ўз молиявий имконияти ҳам бўлиши керак. Шу мақсадда кейинги босқичда “Маҳалла бюджети” тизими шакллантирилди. Бу билан маҳаллага маблағ эмас, масъулият ҳам берилди. 2023 йилдан барча туман ва шаҳарларда “Маҳалла бюджети” тизимини амалиётга жорий этиш белгиланди. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун муайян солиқ тушумларининг бир қисми йўналтирила бошланди. Бу жуда муҳим ўзгариш эди. Чунки аввалларида маҳалла муаммони айтган, давлат идораси эса маблағ ажратган. Янги тизимда эса маҳалла муаммони аниқлайди, устуворликни белгилайди, маблағдан фойдаланиш механизмига эга бўлади, натижа учун масъулият ҳам ортади.

2026 йилги ўзгаришлар билан ушбу молиявий база янада кенгайтирилмоқда. Хусусан, 2027 йил 1 январдан жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солиғи тушумларининг маҳаллага йўналтириладиган улуши 15 фоиз этиб белгиланган. 2026 йил 1 июлдан эса маҳалла ҳудудидаги санитария ва ноқонуний қурилиш бўйича жарималарнинг 10 фоизи каби янги манбалар ҳам назарда тутилган. Демак, маҳалла аста-секин “маблағ кутиб ўтирадиган ҳудуд”дан “маблағни шакллантириш ва йўналтиришда иштирок этадиган ҳудуд”га айланмоқда.

Маҳалланинг буюртмачи сифатидаги роли шаклланишида “Ташаббусли бюджет” механизмининг аҳамиятини ҳам таъкидлаш лозим. Мазкур тизим орқали фуқаролар ўз ҳудудида қайси лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини белгилаш жараёнида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. “Ташаббусли бюджет” орқали халқ овози маблағ тақсимотига кириб келди. Бу жараённинг яна бир муҳим босқичи “Ташаббусли бюджет” ва “Очиқ бюджет” механизмлари ривожланиши бўлди.



Олтинчи миллий дастур шарҳи

Буюк ўзбек йўли



Бир маҳалла учун ички йўл муҳим. Бошқаси учун болалар майдончаси. Яна бири учун электр ёки газ. Айримлари учун ичимлик сув ёки ободонлаштириш. Демак, тараққиётнинг ягона қолипи эмас, маҳалланинг реал эҳтиёжи устуворлик касб эта бошлади.

2023 йилдан эса “маҳалла еттилиги” орқали муаммони бир жойда ҳал қилишга қадам қўйилди. Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрда қабул қилинган фармони маҳалла институтининг жамият ва аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги биринчи бўғин сифатидаги ролини янада кучайтиришга қаратилди. Шу ҳужжат асосида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат “маҳалла еттилиги” шакллантирилди.

Аслида, бу тизимнинг моҳияти оддий: аҳоли муаммосини бир идорадан иккинчисига юбориш эмас, маҳалланинг ўзида турли соҳалар вакилларини бирлаштириб, комплекс ҳал қилиш. Камбағаллик, ишсизлик, ижтимоий ҳимоя, ёшлар масаласи, хотин-қизлар муаммоси, ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва солиқ масалалари бир-биридан узилган ҳолда эмас, бир ҳудуд — бир оила — бир инсон тақдири нуқтаи назаридан кўрила бошлади. Бу эса маҳалланинг ижтимоий манзилдан бошқарувнинг реал марказига айланиш жараёнини тезлаштирди.

2024 йил маҳаллалар ободлигини таъминлаш бўйича янги ёндашувлар ишлаб чиқилди. Президентимизга қилинган тақдимотда 10 мингга яқин маҳалла борлиги, уларнинг катта қисмида ободонлаштириш ишлари бажарилаётгани қайд этилар экан, “Маҳалла сервис компанияси” тизимини ташкил этиш таклиф қилинди. Ушбу компаниялар маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши қарори асосида танланиб, ободонлаштириш ишларини маҳалланинг буюртмаси ва назорати асосида амалга ошириши белгиланди. Шу билан “буюртмачи маҳалла” ғояси инфратузилма ва ободонлаштиришнинг амалий механизмига ҳам кириб борди. Бу ерда янги фалсафа намоён бўлди: маҳалла учун ишлаш эмас, маҳалла билан бирга ишлаш.

Кузатиш ва татбиқ этишнинг комплекс ривожланиб бориши 2026 йилдаги мақсадларда маҳаллани “тараққиёт буюртмачиси”га айлантириш ғоясини юзага чиқарди. Шу асосда жорий йилга келиб, маҳалла ислоҳотлари яна бир янги босқичга чиқмоқда.

Президентимизнинг 2026 йил 24 июнда қабул қилинган фармони маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга қаратилган қўшимча чораларни белгилади. Ҳужжатда “маҳалла еттилиги” таркиби ва бошқарув механизмлари такомиллаштирилди, “Маҳалла бюджети”нинг молиявий базаси кенгайтирилди. Шу йил 5 февралда қабул қилинган қарорда эса маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар бир маҳаллада кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида ўртача 10 тадан, жами 90 мингта микролойиҳани амалга ошириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” фаолиятига оид ахборот базаларини интеграция қилиш назарда тутилди.

> **“Маҳалла обод бўлса, инсон рози. Инсон рози бўлса, жамият барқарор. Жамият барқарор бўлса, давлат фаровон. Давлат фаровон бўлса, уни аҳоли асрайди, ҳимоя қилади, қадрлайди, парваришлайди. Шу маънода, бугунги “маҳалла — тараққиёт буюртмачиси” ғояси ялпи равишда англанса, эртанги “маҳалла — янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим таянч нуқтаси” тамойилига айланиши мумкин.**

Демак, маҳалла энди фақат ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш жойи эмас. У тадбиркорлик ҳудуди, бандлик ҳудуди, инвестиция ҳудуди, инфратузилма ҳудуди, ижтимоий ҳимоя ҳудуди, ижтимоий ҳимоя ҳудуди, ижтимоий ҳимоя

Қайси ҳудудда талаб қанча бўлади, унга қандай генерация керак, электрни қайси тармоқ орқали етказиш мумкин — бу саволлар бир-биридан алоҳида эмас, ягона режа доирасида ҳал этилиши керак.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 15 октябрь, 213-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Бугуннинг гапи

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ВА СУВЕРЕНИТЕТНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Президентимиз давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келгуси ўн йилликни миллий юксалиш даври сифатида белгилади ва инсон қадрини юксалтиришга қаратилган еттита миллий дастурни эълон қилди.

Мамлакатимиз етакчиси тараққиётнинг энг муҳим натижасини иқтисодий кўрсаткичлар ёки бунёд этилган иншоотлар эмас, аввало, инсон ҳаётидаги ўзгариш билан боғлади. Зеро, янги Ўзбекистоннинг энг катта натижаси ўзгарган инсон, кучига ишонган фуқаро, эртанги кунга дахлдорлигини ҳис қилаётган жамиятдир.

Бу фикр сўнгги йиллардаги ислоҳотларнинг моҳиятини бир жумла билан ифодалайди. Ҳар қандай давлат дастури, янги қонун ёки институтнинг ҳақиқий қиймати унинг оддий инсон тақдирида акс этиши билан ўлчанади.

2023 йилда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида белгиланди. Инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият экани, ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши, қонунчиликдаги зиддият ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши принципи мустаҳкамланди.

“Давлат — инсон учун” халқчил ғояси изчиллик билан қарор топиб бормоқда. Бу ғоя ўз моҳиятига кўра, миллий тараққиётимизда инқилобий ўзгариш ясаб, янги Ўзбекистоннинг ғоявий таълимотига айланмоқда.

Ўзбекистоннинг овози минтақавий ва халқаро майдонда тобора баланд янграмоқда. Юртимиз жаҳондаги кўплаб нуфузли саммитлар, халқаро форумлар ўтадиган сиёсий марказлардан бирига айланди. Бу анжуманлар Ўзбекистоннинг дунё аҳлини тинчлик ва ҳамкорликка чорлайдиган эзгу даъвати сифатида намоён бўлмоқда.

Миллий ҳуқуқий ғоя ва ҳуқуқий онг ҳамда анъаналар, урф-одатлар турмуш тарзи асосида шаклланади. Одамлар умумқадриятлар даражасига кўтарилган миллий манфаат атрофида онгли равишда ҳамда ақл-идрок ғояси асосида жипслашади. Натижада ушбу интилишлар мажмуи миллий ғоя орқали миллион-миллион кишиларни ўз ортидан эргаштиради. Президентимиз қайд этганидек, “Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, рақамли инновацияга таянган давлат ютади”.

Ўзлигини англаган халқ мустақилликка, тақдирига, фарзандлари келажагига истиқбол-иқбол кўзи билан қарайди. Жаҳонда ўзига хос ўринга эга янги Ўзбекистон шундай миллий демократик йўлдан бормоқда. Шунинг учун ҳозирги глобаллашув даврида эришилаётган ютуқлардан орқада қолмаслик, янги технологияларни эгаллаб, уни ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун изланиш, янги-янги ихтиролар кашф этишга қодир бўлиш “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосини ташкил этади.

Президентимиз ўз нутқида “Катта сиёсий ирода кўрсатиб, Ўзбекистонни дунёга кенг очдик. Хусусан, чегара муаммолари ҳал қилинди, қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Энг асосийси, фуқароларимиз юрагидаги қўрқув ва ҳадик ўрнини ишонч ва хотиржамлик эгаллади. Ҳар бир инсон эркин ва фаровон яшайдиган жамият барпо этиш учун кейинги ўн йилда тинимсиз изландик, қаттиқ меҳнат қилдик”, деди.

> **Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида 4 миллиард долларлик 79 та йирик объект ишга туширилди. Жорий йил бошида 5,5 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича катта марра олган эдик. Ислоҳотларимизга ишониб, шу йилнинг ўзида четда ишлаётган 700 минг юртдошимиз оиласи бағрига қайтди.**

Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун бир маълумотни келтириб ўтсам. Шу кунларда АҚШнинг нуфузли “U.S. News and World Report” нашри 2026 йилги дунёнинг энг қудратли давлатлари рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон якуний рўйхатга киритилган 100 та давлат орасида 71-ўринни эгаллади.

Ушбу рейтингда мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий таъсири, халқаро майдондаги нуфузи, иттифоқчилик алоқалари ҳамда ҳарбий салоҳияти каби омиллар ҳисобга олинган.

Яна бир муҳим жиҳат. Сўнгги йилларда ён қўшниларимиз — Марказий Осиё давлатлари билан дўстлик ва яхши қўшничилик алоқалари мустаҳкамланди. Бу таълим, саноат, транспорт, энергетика, рақамли технологиялар, чегара ва бошқа тармоқларда ўз натижасини бермоқда. Энг асосий натижа эса, шубҳасиз, минг йиллик қўни-қўшничилик, оға-инилик, қуда-андачилик, дўстлик-биродарлик кабби инсоний ришталар билан мустаҳкам боғланган халқларимиз ўртасидаги ўзаро борди-келдилар тиклангани бўлди. Эндиги вазифа бу ўзгаришларни янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорлигимизнинг келгуси барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Марказий Осиё давлатлари катта демографик салоҳиятга эга. Аҳоли сони ошмоқда, ёшлар кўпаймоқда ва минтақа иқтисодиёти кейинги ўн йилликларда қандай бўлиши кўп жиҳатдан айнан уларнинг таълими ва касбий тайёргарлиги сифатига боғлиқ бўлади.

Президентимиз Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг шу йил 8 октябрь куни Туркманистондаги “Аваза” миллий сайёҳлик марказида бўлиб ўтган саккизинчи Маслаҳат учрашувида “Биз келгуси авлодларга қандай минтақа қолдиришимиз учун жавобгармиз. У тинч, хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан кучли бўлиши ва одамларга муносиб яшаш, меҳнат қилиш, ўқиш ҳамда фарзандларни воя га етказиш имкониятларини бериши керак”, деди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига катта эътибор қаратилиб, аҳолини ушбу фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида кўплаб имтиёзлар тақдим этилди. Пировардида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ҳамда олдинга бошловчи катта кучга айланди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида 4 миллиард долларлик 79 та йирик объект ишга туширилди. Жорий йил бошида 5,5 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича катта марра олган эдик. Ислоҳотларимизга ишониб, шу йилнинг ўзида четда ишлаётган 700 минг юртдошимиз оиласи бағрига қайтди.

Бугун дунё сиёсий майдонида кескин ўзгаришлар, икки хил стандартлар авж олган. Шундай паллада янги Ўзбекистон давлати — тинчлик элчиси, дея эътироф этилаётгани бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз ички сиёсатидаги туб ўзгаришларни айни форматда ташқи сиёсатда ҳам кенг тарғиб этмоқда. Биргина мисол, сўнгги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг халқаро миқёсдаги ўндан ортиқ резолюцияси қабул қилинди.

Мамлакатда Конституция ва қонунларга амал қилинган вақтда давлат ва жамият яшайди. Бу ҳаётий ҳақиқат. Янги Ўзбекистон Конституцияси улуғ аждодлардан мерос умуминсоний ғоялар, эзгу фикрлар билан бойитилган. Бундай қонун ортга қайтмас тус олган ислоҳотларга қувват беради. Жамиятни бир бутун халқ, ягона давлат, Ватан қилиб шакллантиради. Янги Ўзбекистонни барпо этишни тезлаштиради. Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистон давлатчилиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш миллий тараққиётимизнинг ўта муҳим шарти, кафолатланган гаровидир.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Долзарб мавзу

ЯНГИ ҚУВВАТЛАР ИҚТИСОДИЁТНИНГ УЛКАН УФҚЛАРИНИ ОЧМОҚДА

Дунё иқтисодиёти бугун янги босқичга қадам қўймоқда. Заводларда ишлаб чиқариш автоматлашиб, автомобиллар электр қувватига ўтаётир, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар кундалик ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бормоқда. Янги корхона, замонавий шаҳар ёки рақамли хизматнинг узлуксиз ишлаши ишончли электр таъминотига таянади. Инсон ҳаётида қулайликлар кўпайгани сари уларни таъминлайдиган қувватга эҳтиёж ҳам муттасил ортиб боради.

Шу боис, бугун мамлакатлар фақат кўпроқ энергия ишлаб чиқариш билан чекланмай, уни зарур пайтда сақлаш, узоқ масофаларга етказиш ва истеъмолчига барқарор узатиш имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда. Зеро, замонавий иқтисодиётда электр таъминотидаги узилиш оддий чироқнинг ўчиши билан тугамайди. У заводда ишлаб чиқариш тўхташи, хизматлар кечикиши, рақамли тизимлар иши издан чиқишига олиб келиши мумкин. Шу маънода, энергетик барқарорлик иқтисодиётнинг муҳим таянчига айланмоқда.

Бу ўзгаришлар Ўзбекистон ҳаётида ҳам кун сайин яққол сезилмоқда. Бугун кўча-кўйда электромобиллар сони ортиб, улар учун қувватлаш шохобчалари кўпаймоқда. Янги бинолар, турар жой мажмуалари, саноат корхоналари ва замонавий инфратузилмалар юртимиз кўркига кўрк қўшяпти. Кеча бўш турган майдонда бугун янги бино қад ростлайди, унинг ортидан одамлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш келади. Буларнинг барчаси энергияга бориб тақалади. Шунинг учун энергетикага фақат бугунги эҳтиёжни қоплайдиган тизим сифатида қараб бўлмайди. Мамлакатда ҳаёт суръати ўзгараётган экан, энергияга талаб ҳам ошади.

22 сентябрь куни давлатимиз раҳбари электр энергетикасини ривожлантириш истиқболлари ва ёқилғи-энергетика тармоғидаги лойиҳаларни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди. Унда энергетика соҳасидаги режалар иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши, тизимда доимо етарли захира қуввати бўлиши зарурлиги таъкидланди. Бу вазифанинг кўламини рақамлар ҳам яққол кўрсатади. 2030 йилга бориб иқтисодиётимиз ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Шу даврга келиб аҳоли сони 41 миллиондан ошиши кутилмоқда. Саноатда электр энергияси истеъмоли эса 38 миллиарддан 53,5 миллиард киловатт-соатгача ўсиши тахмин қилинмоқда. Яъни саноатнинг ўзидаги эҳтиёж 15,5 миллиард киловатт-соатга ортади.



Шу сабабли тақдимотда электр энергияси истеъмолининг турли ўсиш сценарийлари кўриб чиқилди. Истеъмол мўътадил ўсган тақдирда 2030 йилгача генерация ва талаб ўртасида етарли мувозанат сақланиши қайд этилди. Бироқ иқтисодиёт, саноат, электр транспорти ва рақамли инфратузилма тез суръатларда ривожланган ҳолатда қўшимча генерация қувватларига эҳтиёж пайдо бўлади. Бунда захира қуввати алоҳида аҳамият касб этади. У талаб кутилганидан тезроқ ошганда ёки тизимда фавқулодда ҳолат юзага келганда барқарорликни сақлаб қоладиган таянчдир.

Шундан келиб чиқиб, 2030 йилга бориб, мамлакатдаги генерация қувватларини 46,1 гигаваттга етказиш ва йилига қарийб 129 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятини яратиш режалаштирилган. 2035 йилда эса қувватларни 57,2 гигаваттга, йиллик генерацияни 154,7 миллиард киловатт-соатга етказиш кўзда тутилган.

Айни пайтда қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий қуввати 6,3 гигаваттдан ошган. Гидроэлектр станциялар сони 100 тадан ошиб, умумий қуввати 2,5 гигаваттга яқинлашган. Қайта тикланувчи энергия манбалари кенгайиши табиий газдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, тежалган ресурсни иқтисодиётнинг бошқа эҳтиёжларига йўналтириш имконини беради. Бироқ қуёш ва шамол манбалари табиий шароитга боғлиқ. Қуёш кундузи нур сочади, шамолнинг тезлиги эса доимо бир хил эмас. Истеъмолчи эҳтиёжи эса бундай ўзгаришларга мослашиб ўтирмайди.

Шу ерда энергия сақлаш тизимларининг аҳамияти намоён бўлади. Кундузи қуёш станциялари ишлаб чиқарган энергияни тўплаб, кечки юқори юклама пайтида тармоққа узатиш орқали ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги тафовутни юмшатиш мумкин. Ҳозир бу йўналишда умумий қуввати 4,2 гигаватт бўлган 26 та лойиҳа шаклланган, уларнинг 17 таси амалга ошириш босқичида.

Генерация қувватларини кўпайтириш билан бирга уларни истеъмолчига етказадиган тармоқларни ҳам олдиндан тайёрлаш талаб этилади. Янги станция қанча электр ишлаб чиқармасин, агар уни қабул қиладиган ва узатадиган тармоқ етарли бўлмаса, бу қувват тўлиқ ишга солинмайди. Шу боис, 2030 йилга қадар 9 та 220 киловольтли ва 7 та 500 киловольтли янги подстанция қуриш, қарийб 5 минг километр янги электр узатиш тармоқларини барпо этиш режалаштирилган. 2027-2029 йилларда бир қатор стратегик 500 киловольтли электр узатиш тармоқлари ва янги подстанцияларни ишга тушириш кўзда тутилган.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Энергетикада қувватни самарали бошқариш ҳам зарур. Янги станция, тармоқ ва энергия сақлаш тизими бир-биридан узилиб қолса, катта маблағ талаб қилган лойиҳалар кутилган натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун тақдимотда инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш тартибини ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Янги ёндашувнинг аҳамияти шундаки, лойиҳа аввало инвестор хоҳишидан эмас, иқтисодиёт, аҳоли ва ҳудудларнинг келгуси эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантирилади. Аввал талаб аниқланади, кейин зарур генерация ва инфратузилма қувватлари режалаштирилади. Ер майдони, тармоққа уланиш нуқтаси ва техник ечимлари тайёрланган лойиҳа шакллантирилиб, инвестор очиқ ва рақобатли танлов асосида аниқланади. Бундай ёндашув инвестицияни ягона энергетик тизимнинг бир қисми сифатида кўриш имконини беради.

Энергетикадаги бу ўзгаришлар Президентимизнинг **“Ёқилғи-энергетика тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони**да белгиланган вазифалар билан ҳам уйғунлашади. Мазкур ҳужжат ёқилғи-энергетика тармоғидаги бошқарув, бозор муносабатлари, назорат ва тариф механизмларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Яъни бир томонда энергетиканинг моддий қуввати яратилаётган бўлса, иккинчи томонда ана шу қувватни самарали ишлатиш ва бошқаришга хизмат қиладиган институционал муҳит шакллантирилмоқда.

Фармон билан Энергетика вазирлигининг ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари ва истеъмолчиларига шартномавий, хизмат кўрсатиш ва бошқа хўжалик муносабатлари бўйича индивидуал тусдаги рухсатномалар бериш амалиёти бекор қилинади. Бу эса энергетикада маъмурий жараёнларни қисқартириш билан бирга хўжалик муносабатларини аниқ қоидалар асосида ташкил этишга хизмат қилади.

Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги зиммасига электр энергияси билан бир қаторда табиий ва суюлтирилган газ таъминотида бозор тамойилларини босқичма-босқич шакллантириш ва тартибга солиш вазифаси юклатилмоқда.

Назорат соҳасида ҳам ёндашув ўзгармоқда. Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятида қоидабузарлик содир бўлганидан кейин чора кўришдан кўра, унинг олдини олиш, хавфларни эрта аниқлаш ва профилактикага қаратилган превентив назорат модели устувор бўлади. Яъни назоратнинг мазмуни фақат камчиликни аниқлаш бўлиб қолмай, унинг юзага келиш эҳтимолини олдиндан камайтиришга қаратилади.

Тарифларни шакллантиришда рақамлаштириш ана шу тизимли ўзгаришларнинг бир қисми. 2027 йил 1 июлдан Ёқилғи-энергетика соҳасида идораларо тариф комиссиясининг ягона рақамли платформаси жорий этилади. У орқали тартибга солинадиган корхоналарнинг тариф буюртмалари, тарифларни ҳисоблаш учун зарур молиявий, техник ва бошқа маълумотлар электрон шаклда қабул қилинади ва қайта ишланади. Тариф ҳисоб-китоблари белгиланган тартиб асосида автоматлаштирилиши жараённинг шаффофлиги, тезкорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган.

Шу тариқа энергетикадаги янгиланишни фақат янги станциялар сони ёки мегаваттлар билан ўлчаш бир томонлама ёндашув бўлади. Тизимнинг бир томонида генерация, тармоқ ва энергия сақлаш қувватлари бўлса, иккинчи томонида бозор қоидалари, тарифлар, назорат ва инвестиция механизмлари турибди. Биринчи йўналиш энергетиканинг моддий пойдеворини мустаҳкамласа, иккинчиси ана шу имкониятларни самарали бошқариш учун зарур муҳитни шакллантиради.

Шунинг учун янги қувватларни танлашда фақат уларнинг ҳажми эмас, электр энергияси таннархи, тармоққа уланиш имконияти, энергия сақлаш тизимлари билан уйғунлиги ва умумий энергобалансга таъсири асосий мезон бўлиши белгиланган бежиз эмас. Иқтисодий самарадорлиги паст, молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаган ёки узоқ вақтдан буён кечикаётган лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш ҳам шу талабдан келиб чиқади. Чунки энергетикада бир қарор ўн йиллар давомида ресурслар ҳаракатига таъсир қилиши мумкин.

Қорақалпоғистонда қайта тикланувчи энергия салоҳиятидан фойдаланиб истиқболли шамол электр станцияларини 1 гигаватт қувватли датамарказлар билан боғлаш таклифи эса энергетика ва рақамли иқтисодиётнинг қандай уйғунлашаётганини кўрсатади. Бунинг учун янги 220 киловольтли подстанция ва электр узатиш тармоқларини қуриш режалаштирилмоқда. Унда энергия юқори технологияли иқтисодий фаолликни жалб қиладиган инфратузилма сифатида намоён бўлмоқда.

Бундай ёндашув ҳудудлар иқтисодий ҳаёти учун ҳам муҳим. Агар электр энергияси ишлаб чиқариш ва уни узатиш имконияти кенгайса, янги корхоналарни жойлаштириш, юқори технологияли инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқариш занжирларини кенгайтириш учун шароит пайдо бўлади. Энергетика инфратузилмаси шу тариқа иқтисодий фаолликнинг оддий таъминловчиси эмас, унинг ҳудудий тақсимотига таъсир қилувчи омилга ҳам айланади.

Ҳудудлар ва тармоқлар кесимида энергия ресурсларига эҳтиёжни аниқ прогноз қилиш, шу асосда ҳар йили янгиланадиган уч йиллик инвестиция режаларини қабул қилиш таклифи шу яхлит ёндашувнинг давоми. Қайси ҳудудда талаб қанча бўлади, унга қандай генерация керак, электрни қайси тармоқ орқали етказиш мумкин — бу саволлар бир-биридан алоҳида эмас, ягона режа доирасида ҳал этилиши керак. Узоқ муддатда эса 2050 йилгача ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Унда демографик ва иқтисодий ўсиш, миллий ресурс салоҳияти, энергия самарадорлиги, қайта тикланувчи ва атом энергетикасини ривожлантириш ҳамда энергетик хавфсизлик масалалари бир бутун ҳолда қаралади.

Энергетикага оид бугунги қарорларнинг мазмунини ҳам ана шу кенг манзарада англаш мумкин. Гап фақат электр станцияси қуриш ёки тармоқ тортиш эмас, мамлакат иқтисодиёти қандай ўсиши, янги корхоналар қаерда пайдо бўлиши, ҳудудлар қандай ривожланиши, рақамли технологиялар қай даражада кенгайиши ва аҳоли турмушида қандай янги эҳтиёжлар пайдо бўлиши билан боғлиқ узоқ муддатли тизим ҳақида кетмоқда.

Энергия кўпинча кўзга кўринмайди. Аммо хонадонда чироқ ёнганда, заводда станок ишлаганда, электромобиль ҳаракатга келганда, сервер маълумот узатганда унинг аҳамияти намоён бўлади. Шу боис, бугун энергетикага киритилаётган ҳар бир сармоянинг натижаси фақат мегаватт ёки киловатт-соат билан эмас, эртага ишга тушадиган корхоналар, яратиладиган иш ўринлари, жорий этиладиган технологиялар ва инсон ҳаётида пайдо бўладиган янги имкониятлар билан ҳам ўлчанади.

Эртанги иқтисодиёт бугундан қувват олади. Шу маънода, мамлакатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари учун зарур қувват ва инфратузилмани олдиндан яратиш ҳамда ана шу тизимни замонавий бошқарув, бозор ва рақамли механизмлар асосида такомиллаштириш давр талабидир. Бугун қурилаётган иншоотлар, ишга тушаётган корхоналар ва ўзгараётган шаҳарлар эртанги Ўзбекистоннинг қиёфасини белгилайди. Бу қиёфа қанчалик равшан ва барқарор бўлиши эса кўп жиҳатдан бугун қабул қилинаётган қарорларга боғлиқ. Узоқни кўзлаб қилинган ҳар бир иш эртага ортиқча ташвишнинг олдини олади. Халқимизда “Етти ўлчаб, бир кес” деган мақол бор. Энергетикадек катта соҳада ҳам бу ҳикматнинг маъноси янада чуқурроқ сезилади.

Юксалишнинг қиймати рақамлардан кўра одамлар ҳаётида кўринади. Хонадондаги хотиржамлик, корхонадаги узлуксиз меҳнат, ёшлар учун янги имконият ва ҳудудлардаги жонланиш — барчаси бир-бирига уланган занжирнинг ҳалқаларидир. Мустаҳкам занжир эса ҳар бир ҳалқа ўз ўрнида пухта бўлгандагина яратилади. Бугун энергетикада шаклланаётган янгиланишлар ана шу мустаҳкамликка хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Рақамлар реал ҳолатдан сўзлайди. Республика бўйича олий таълимдаги талабалар сони 2025/2026 ўқув йили бошига келиб, 1 миллион 600 мингга етди. Наманган вилоятида эса айни пайтда 9 та олий таълим муассасасида 91 минг йигит-қиз таҳсил олмоқда. Ўн йил аввалги ҳолат билан таққослаганда, бу шунчаки миқдорий ўсиш эмас, балки олий таълимнинг мутлақо янги кўламга чиққанини кўрсатади.



Таҳлил

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ўзгаришнинг ҳақиқий мезони статистика жадваллари эмас, балки оддий бир саволдир: бугун мактабни битираётган наманганлик йигит ёки қиз олдида қандай йўллар очиқ? Ўн йил аввал бу саволга жавоб қисқа эди. Бугун эса жавоб бир нечта бандга ҳам сиғмайди. Ана шу фарқнинг ўзи сўнгги ўн йилликда вилоят ёшлари ҳаётида юз берган энг катта ўзгаришни ифодалайди.



Наримон ДЕҲҚОНОВ,
Наманган давлат университети Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш маркази раҳбари, сиёсий фанлар доктори, профессор

ИМКОНИЯТЛАР АВЛОДИ

Наманганлик ёшлар ҳаётида ўзгаришлар фалсафаси

Бу масаланинг Наманган учун аҳамияти, айниқса, юқори. Вилоятда 3 миллион 200 минг киши истиқомат қилади. Шундан 756 минги 14-30 ёшлилардир. Демак, ёшлар сиёсати алоҳида бир соҳа эмас, балки таълим, бандлик, тадбиркорлик, рақамли иқтисодиёт, маданият ва спортни бирлаштирадиган стратегик йўналиш масаласидир.

* * *

2015-2016 йилларда республика бўйича олий таълим муассасаларида жами 268 мингга яқин талаба таҳсил олган. Бу бутун мамлакатга тегишли кўрсаткич эди. Аҳолиси зич ва ёшлар улуши юқори бўлган Наманган вилояти учун эса мазкур ҳолат минглаб битирувчилар олдида танлов имконияти чекланганини англатарди. Олийгоҳга кириш насиб этмаган ёшлар учун кейинги қадам кўп ҳолларда меҳнат бозоридан тасодифий иш излаш ёки меҳнат муҳожирлиги билан боғланган.

Иккинчи муаммо тизимсизлик эди. Ишсиз ёшлар қаерда яшайди, қандай касбга қизиқади ва қандай кўмакка муҳтож — буларни маҳалла кесимида аниқ кўрсатиб берадиган манзилли механизм ҳали шакланмаганди. Ёшлар билан ишлаш кўпроқ тадбирлар ва ҳисобот кўрсаткичлари орқали баҳоланар, ёрдам эса кўпинча унга энг кўп эҳтиёж сезганларга етиб бормас эди. Тадбиркорликни бошламоқчи бўлган йигит-қизлар учун махсус, яъни ёш омилига таянган молиявий ва инфратузилмавий механизмлар ҳам чекланганди.

Учинчи масала ишонч кўлами эди. Кўпчилик ёшларнинг режаси “Бу ерда қолиб нима қиламан?” деган саволдан бошланар, имкониятлар асосан Тошкентда ёки хорижда деган тасаввур кучли эди. Туғилиб ўсган ҳудуд эса кўпинча доимий ривожланиш майдони эмас, балки вақтинчалик манзил сифатида қабул қилинарди.

* * *

Ўзгаришлар 2016 йилда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун билан янги босқичга кўтарилди. Кейинги йилларда Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилиши, Президентимизнинг ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қарорлари тизимли ёндашувни шакллантирди.

Энг сезиларли механизмлардан бири “Ёшлар дафтари” бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги тегишли қарори билан ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизими янада ойдинлаштирилди. 2026 йил февралда эса “Ёшлар дафтари” жамғармасидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритилди. Тизимнинг моҳияти шундан иборатки, ёшлар энди умумий рақам эмас, балки аниқ манзил ва эҳтиёж эгаси сифатида кўрилади: ким, қаерда, нимага муҳтож — буларни маҳалла даражасидаги масъуллар аниқлайди ва ечимни шу ернинг ўзидаёқ шакллантиради.

Бу тизимнинг Намангандаги ижроси ҳам мазкур ёндашувнинг манзиллилигини кўрсатиб турибди. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойида 407 йигит-қиз “Ёшлар дафтари”га киритилиб, уларнинг 312 нафарига, яъни 77 фоизига амалий кўмак берилди. Шу даврда “Ёшлар дафтари” жамғармасида 44 миллиард 466,1 миллион сўм маблағ шакллантирилди. Бу кўрсаткичлар ёшлар сиёсатининг умумий шиордан аниқ молиявий ва ижтимоий воситага айланганини англатади.

Рақамлар реал ҳолатдан сўзлайди. Республика бўйича олий таълимдаги талабалар сони 2025/2026 ўқув йили бошига келиб, 1 миллион 600 мингга етди. Наманган вилоятида эса айни пайтда 9 та олий таълим муассасасида 91 минг йигит-қиз таҳсил олмоқда. Ўн йил аввалги ҳолат билан таққослаганда, бу шунчаки миқдорий ўсиш эмас, балки олий таълимнинг мутлақо янги кўламга чиққанини кўрсатади.

Энг муҳими, эшикнинг кимлар учун очилганидир. Наманган вилоятида мактаб битирувчиларининг олий таълимга кириш динамикасида сезиларли ўзгариш кузатилди. 2020 йилги натижаларга кўра, битирувчиларнинг умумий сони 1,59 баробар ортган бир шароитда ОТМга қабул қилинган битирувчилар сони 2,02 баробар кўпайди ҳамда Наманган вилояти бу кўрсаткич бўйича аввалги йилдагига нисбатан 4 поғона юқори кўтарилди. Мазкур кўрсаткич ҳудудда олий таълимга кириш имконияти битирувчилар сонининг ўсиш суръатидан тезроқ кенгайганини кўрсатади.

Мактабгача ва мактаб таълими босқичида Президент таълим муассасалари, ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби” ҳамда ихтисослаштирилган мактаблар каби янги таълим муҳити шакллантирилди. Натижада иқтидорли ўқувчиларнинг ривожланиш траекторияси фақат туман ёки вилоят маркази доираси билан чекланиб қолмайдиган бўлди.



Касбий таълим: дипломдан меҳнат бозоригача

Олий таълимга қамров кенгайиши билан бир вақтда касбий таълим тизимининг меҳнат бозорига яқинлашуви ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун Наманган вилоятида 56 та касбий таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларнинг 53 таси давлатга тегишли, 3 таси нодавлат техникумлардир. Вилоятдаги 49 техникум фаолияти қайта йўлга қўйилди ҳамда 4 та мономарказга техникум мақоми берилди.

Шунингдек, меҳнат миграциясини ҳам малака билан узвий боғлашга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, Миграция агентлигининг Наманган вилояти ҳудудий филиали билан ҳамкорликда 27 та техникумда немис, корейс ва япон тиллари бўйича 51 та гуруҳ ташкил қилиниб, уларга 884 тингловчи ва ишсиз фуқаро жалб этилди. Мазкур ёндашув ташқи меҳнат бозорига чиқиш жараёнини тасодифий миграциядан хорижий тилларни биладиган ва касб малакасига эга, тайёр меҳнат ресурслари орқали амалга оширишга хизмат қилади.

* * *

Ўн йил аввал ёш дастурчилар учун Намангандаги энг реал сценарий кўпинча Тошкент шаҳрига кўчиб ўтиш билан боғлиқ эди. Бугун эса вазият бутунлай ўзгарди. Вилоятда АТ парки филиали иш бошлади. Олий таълим муассасаларида стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун иккита инкубация маркази ташкил этилди. Минглаб ёшлар онлайн платформалар орқали малака ошириб, тегишли сертификатларни қўлга киритмоқда.

2026 йил 23 июнь куни Янги Наманган шаҳрида янги АТ парки қурилишига тамал тошининг қўйилиши бу жараённи сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Умумий қиймати 117 миллион долларлик дастур доирасида барпо этиладиган ва майдони қарийб 18 минг квадрат метрни ташкил қиладиган ушбу мажмуада таълим ҳамда экспорт марказлари, коворкинг ва офис майдонлари, шунингдек, стартап акселераторлари жойлашиши белгиланган. Лойиҳа доирасида наманганлик қарийб 2000 йигит-қиз учун юқори даромадли иш ўринларини очиш, вилоятда ахборот технологиялари хизматлари ҳажмини йилига 500 миллиард сўмга, соҳа экспортини эса 30 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Тадбиркорлик ва бандлик: ёрдам эмас, капитал

Ёшларни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шакли — уларни фақат ишли қилиш эмас, балки ўзлари иш ўрни очиши учун имконият яратиб бериш. “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшларга тадбиркорликни бошлаш ҳамда асбоб-ускуналар харид қилиш учун 7 миллион сўмгача, хотин-қизларга эса 10 миллион сўмгача субсидиялар ажратилиши, фаолиятини энди бошлаётганларга дастлабки уч ойлик ижара тўлови қоплаб берилиши, енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатилиши каби йўналишларда кўмак кўрсатилиши айнан шу мантиққа асосланади. Касб-ҳунар ва тадбиркорлик курслари харажатининг 70 фоизини қоплаб бериш, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида бепул ўқитиш каби чоралар ҳам бевосита молиявий ёрдамни билим ва кўникмалар билан бойитишга қаратилган.

Наманганда 2026 йилнинг ўтган саккиз ойида кредит механизмлари ҳам фаол ишлади. Жумладан, 60 та лойиҳага 6 миллиард 305,9 миллион сўм, “Келажакка қадам” дастури бўйича 700 та лойиҳага 35 миллиард 186,2 миллион сўм, 894 та лойиҳага 102 миллиард 439 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Мазкур рақамлар ёшлар ва аҳолининг ташаббусларини кичик лойиҳалардан тортиб, то йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларигача бўлган молиявий занжир орқали қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли саъй-ҳаракатлар мавжудлигини кўрсатади.

Шунингдек, Наманганда ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи йирик инвестиция оқими билан ҳам уйғун кечмоқда. Сўнгги етти йилда вилоят иқтисодиёти 2 баробар, экспорт ҳажми эса 3 карра ўсди. Жалб этилган 65 триллион сўмлик инвестиция ҳисобига 600 мингта янги иш ўрни очилди. Мазкур ўсиш суръатини барқарор давом эттириш мақсадида 2025-2029 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 68 триллион 300 миллиард сўмлик 6831 та ҳудудий инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва улар ҳисобига 165 минг 800 кишининг бандлигини таъминлаш белгилаб олинган.

Мазмунли бўш вақт: оммавийликдан натижага

Давлатнинг ёшлар сиёсати фақат таълим ва бандлик масалалари билан чекланиб қолмайди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, китобхонлик, маданият, спорт ва фуқаролик тарбияси ҳам жамиятдаги ижтимоий барқарорликнинг энг муҳим таркибий қисмларидан. Жорий йилнинг саккиз ойида Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида 28 минг 199 та маданий-маърифий тадбир, танлов ҳамда мусобақа ўтказилиб, уларга 630 мингдан ортиқ ўғил-қиз жалб этилди. Ватанпарварлик ва ҳуқуқий саводхонлик йўналишларида эса 1075 та тадбир ва лойиҳа ташкил қилиниб, улар орқали 3490 нафар ёш қамраб олинди.

Бу ўринда асосий эътибор тадбирларнинг сонига эмас, балки уларнинг ҳар бир йигит-қизнинг кундалик ҳаётида қандай амалий натижа бераётганига қаратилиши ва шу мезон асосида баҳоланиши керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда, рақамли таълим платформалари, касбий курслар, китобхонлик ва спорт лойиҳаларининг оммавий тадбирлар билан уйғунлашиши ёшларни шунчаки томошабин ёки иштирокчи эмас, балки муайян кўникмалар ва аниқ натижаларга эга бўлган фаол субъектга айлантириш имконини беради.

Спорт: ғалабалар давомли бўлади

Спорт инфратузилмасида ҳам оммавий қамров ва юқори натижадорлик бир вақтнинг ўзида яққол кўзга ташланади. Хусусан, вилоятдаги 679 та умумтаълим мактабининг 3835 та спорт гуруҳида 73 минг 467 ўқувчи спорт билан шуғулланмоқда. Вилоятдаги 19 та спорт муассасасининг 164 та паралимпия спорт гуруҳида 870 нафар спортчи-ўқувчига 100 нафар профессионал малакали мураббий машғулот ўтмоқда. Бундан ташқари, 12 та спорт мактабидаги 24 та адаптив спорт гуруҳида 168 спортчи-ўқувчи 14 тренер қўл остида мунтазам шуғулланиб келмоқда.

“Беш ташаббус олимпиадаси” ва паралимпиадаси, Президент олимпиадаси, турли спорт синовлари ҳамда бошқа мусобақалар орқали 2550 дан ортиқ иқтидорли ёш селекция қилинди. 2026 йилнинг дастлабки саккиз ойида Ўзбекистон чемпионатлари ва кубокларида наманганлик спортчилар 477 олтин, 492 кумуш ҳамда 784 бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, жаҳон чемпионатлари ва кубокларида 8 олтин, 6 кумуш ва 14 бронза, бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда эса 29 олтин, 21 кумуш ҳамда 29 та бронза медаль жамғарилди.

Янги босқич: муаммони сезишдан ўрганишга

Ислоҳотлар кўлами ва суръатини сақлаб қолишнинг ягона йўли қабул қилинаётган қарорларда тахминларга эмас, балки аниқ таҳлилларга таянишдир. Шу маънода, Наманган давлат университети ҳузурида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш маркази ташкил этилгани ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Мазкур марказ ҳудудларни изчил ва режали асосда ўрганиш, ёшлар орасидаги реал муаммоларни илмий методлар ёрдамида аниқлаш ҳамда мутасадди раҳбарлар учун далилларга асосланган таклифлар тайёрлаш каби вазифаларни кўзда тутади. Бу эса ҳақиқий сифат ўзгаришидир.

Албатта, ҳали ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам етарлича: сифатли ва барқарор иш ўринларини кўпайтириш, олий таълим сифатини қамровнинг ўсиш суръатига мослаштириш, ажратилаётган кредит ва субсидияларнинг узоқ муддатли самарадорлигини баҳолаш, ахборот етказиш тизимидаги узилишларни бартараф этиш, чекка туманлар билан вилоят маркази ўртасидаги имкониятлар тафовутини қисқартириш шулар жумласидан. Бироқ бу муаммолар ўн йил аввалги “Имконият борми ўзи?” деган саволдан мутлақо бошқа, юқорироқ босқичга мансуб. Бугуннинг энг асосий саволи эса “Яратилган ушбу имкониятлардан ким, қандай ва қай даражада самарали фойдаланмоқда?” деган масала.

Ўтган ўн йил Наманган ёшлари учун ваъдалардан реал шароитларга ўтиш даври бўлди. Эндиги кейинги вазифа аниқ: яратилган инфратузилмалар, молиявий воситалар, таълим ва рақамли платформаларни ҳар бир маҳалла ҳамда ҳар бир ёш учун реал натижага айлантириш. Чунки ёшлар сиёсатидаги энг ишончли мезон шунчаки ажратилган маблағлар ёки ўтказилган тадбирлар сони эмас, балки ўз имкониятларини теран англаган, аниқ касбга, чуқур билимга, муқим даромадга эга ва жамият олдида масъулиятни ҳис қиладиган ёшларнинг сонидир.

Таълим одимлари

ИНСОН КАМОЛОТИНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ЯХЛИТ ТИЗИМ



Шаҳло АҲРОРОВА,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бош илмий ходими, фалсафа фанлари доктори, шоира

Мамлакатимиз таълим тизимида шу йилнинг октябрь ойи бошида муҳим ўзгаришлар юз берди. Улардан энг асосийси икки вазирлик негизида ягона Таълим ва илм-фан вазирлиги ташкил этилиши бўлди.


Таълим соҳаларининг бирлаштирилиши шунчаки бошқарувни марказлаштириш чораси эмас, балки инсон тарбияси ва камолоти йўлидаги ишларни бир бутун тизимга жамлаш йўлидаги улкан мақсадли саъй-ҳаракат самарасидир. Бунда моҳият инсон таълим оладиган, тарбия топадиган, касб эгаллайдиган ва илмий салоҳиятини рўёбга чиқарадиган жараёнларнинг бир-биридан узилиб қолмаслигида намоён бўлади.

Болалар боғчасида қайсидир даражада инсон шахсиятига пойдевор қўйилади. Мактабга келгач, шу пойдевор мустаҳкамланадими ёки янгиси қўйиладими? Бола олий таълимда қандай мутахассис бўлиб шаклланади ёки ундан кейин нима билан шуғулланади? Гап мана шу яхлитликда.

Шахс тарбиясининг узлуксизлигини таъминлаш 2019 йилги “Узлуксиз маънавий тарбия” концепциясида ҳам келтирилган. Фармоннинг моҳияти таълим ва тарбия бирлашувида ушбу концепция уйғунлигини таъминлаш. Ҳар қандай ислоҳотнинг асл қиймати унинг инсон камолотига қўшган ҳиссасида сезилишини инобатга олсак, бу муҳим жараён.

Бу ерда билим бериш билан бирга тарбиянинг, шахсий камолотнинг, масъулият ҳамда қадриятнинг узвийлиги масаласи ҳам бор. Яъни энди узлуксиз таълим ва узлуксиз тарбия мувофиқлаштирилиши керак. Чунки таълим инсоннинг нимани билишини англатса, тарбия у қандай инсон бўлиши керак деган саволга жавоб беради. Аслида, бу масала халқимиз, миллий таълимимиз учун янгилик эмас. Шарқда азалдан таълим ва тарбия бир-биридан ажратилмаган ҳолда бўлган. Масалан, Конфуций таълимни фақат билим берувчи эмас, ахлоқий фазилатни шакллантирувчи жараён сифатида кўрган. Унинг қарашларида одоб, билим ва шахсий фазилатларни шакллантириш яхлит тарбия жараёни ўлароқ келтирилган. Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, бугун таълим дастурларимизда ҳам “билимни ёдлаш”дан “билимдан фойдаланиш”га, ундан кейинги босқичда “шу билим асосида мустақил фикрлашга” ўтиш масаласи қўйилмоқда.

Билимдан фойдаланиш маданияти ҳам долзарб. Яъни билимни ишлатиш билан бирга мақсадни англаш ҳам лозим. Буни эса жадидларимиз аллақачон асосий масалалардан бири қилиб қўйган эди. Хусусан, Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида шахснинг интеллектуал ва ахлоқий камолотини таълим-тарбия муштараклиги билан боғлайди. Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарида ҳам таълим ва тарбия масаласи жисмоний, ахлоқий ҳамда ақлий камолотдан айро кўрилмайди. Демак, бугунги таълим ислоҳотларида миллий меросга суяниш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Миллийликми ё замонавийликми деган танлов қўйилмасдан, ҳар иккиси уйғунлаштирилиши керак.



ҲАВОЛА

ЎШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Умуман олганда, ота-она фақат “Болам қандай баҳо оляпти?”, деб сўрамасдан ёки ўқитувчи “Фарзандингиз дарсни ўзлаштирмаяпти”, деб қолмасдан, аксинча, “қандай инсон бўлиб шаклланаётгани” билан қизиқиши керак.

Бу жараёнга меҳнат тарбияси ҳам қўшилса, мақсадга мувофиқ. Бунинг учун, аввало, “мажбурий меҳнат” ва “меҳнат тарбияси” ўртасидаги чегарани белгилаб олиш зарур. Ана шунда “билим + тафаккур + қадрият + меҳнат + масъулият + ижодкорлик = баркамол шахс” тизимига асосланган мукаммал формула асосида ишланади.

Бирлашган тизимнинг маънавий-маърифий фалсафаси, биринчи навбатда, “билимдан инсонга” қараб ҳаракатланиши, яъни таълим диплом, сертификат, тест натижаларига таянмасдан, инсон камолоти билан ўлчаниши керак.

Қисқа қилиб айтганда, бугун таълим тизими олдида “Биз мустақил фикрлайдиган, миллий қадриятларини асраб, замонавий дунё билан рақобатлаша оладиган қанча ёшни тарбияладик?”, “Ҳалол меҳнатни қадрлайдиган қанча инсонни вояга етказдик?”, “Ўз билимини жамият манфаатига йўналтира оладиган қанча шахс шакллантирдик?” каби саволларга ижобий жавоб топа олишдек долзарб вазифалар турибди. Таълим ва илм-фан вазирлиги эса айни шу мақсадда ташкил этилгани билан аҳамиятлидир.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси, Оксфорд университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўртасидаги ҳамкорлик таълим соҳасида халқаро алоқаларнинг илғор моделларидан бирини яратиб бермоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 15 октябрь, 213-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Тил — миллат кўзгуси

Шиддатли глобаллашув ва маданиятлар қоришуви даврида ҳар бир миллат ўзининг бетакрор қиёфаси, бой тарихи ҳамда маданий мероси билан халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашга интилаётгани бор гап. Мамлакатимиз ташқи сиёсати ҳам энди фақат иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик билан чекланиб қолмай, маданий-маърифий дипломатия уфқлари томон кенгайиб бормоқда. Яқинлашиб келаётган 21 октябрь — Ўзбек тили байрами арафасида жаҳоннинг энг нуфузли таълим даргоҳларидан бири бўлган Оксфорд университетида ўзбекшунослик дастури йўлга қўйилгани ҳамда унинг дастлабки самараси ҳақида сўз юритиш айни муддао, назаримда. Ушбу тарихий воқеа она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори кун сайин юксалиб бораётганини амалда яққол намоён қилади.



ОКСФОРДДАГИ ЎЗБЕКШУНОСЛИК ДАСТУРИ



Нозлия НОРМУРОДОВА, филология фанлари доктори, профессор

Ўтган йил октябрда ташкил этилган Оксфорд ўзбекшунослик дастури қисқа вақтда ижобий натижалар бера бошлади. Жорий йил сентябрда дастурнинг илк қалдирғочлари таҳсилни якунлади. Улар ёз мавсумида махсус ташкил этилган ёзги мактаб доирасида юртимизга келиб, ўзбекона муҳит билан бевосита танишиш имконига эга бўлди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси, Оксфорд университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўртасидаги ҳамкорлик таълим соҳасида халқаро алоқаларнинг илғор моделларидан бирини яратиб бермоқда. Жамғарманинг ҳар томонлама кўмаги давлатимиз томонидан миллий ўзлигимизни тарғиб этиш ҳамда чет эллик мутахассислар орқали мамлакат имижини яхшилашга қанчалик катта эътибор қаратилаётганини тасдиқлайди.

Бироқ лойиҳанинг асл моҳияти хорижликларга шунчаки тил ўргатиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Асосий мақсад Ўзбекистонни яхлит цивилизация сифатида эътироф этиб, унинг кўп қиррали тарихи, бой этнографияси ва бугунги ривожланиш жараёнини бирга тадқиқ этувчи академик платформа яратишдан иборат. Хорижлик талабаларнинг ёзги мактаб доирасида дастлаб пойтахтимиздаги Ислом цивилизацияси марказида бўлгани ҳам айни шу мақсадга хизмат қилади.

Айниқса, Оксфорд университети профессори, таниқли турколог Николас Контованинг ёзги мактабга келиб, машғулотларда иштирок этгани дастур салмоғи ва қизиқарлилигини оширди.

— Англиядан келиб, ўзбек тилини ўрганмоқчи бўлган талабаларимиз ўзбекча атиги бир-икки сўз ишлатса ҳам жуда севинаман, — дейди Николас Контовас. — Ўзбек тилига берилаётган, бора-бора кучайиб бораётган бу эътибор, шубҳасиз, таҳсинга лойиқ. Ўзимга ҳам, талабаларимизга ҳам ўша тўлқиннинг ичида кичик қатра бўлиш имкони берилгани учун барчага ташаккур билдираман.

Ёзги мактаб машғулотлари қуруқ назариядан иборат бўлиб қолмай, ёшларга бой маданиятимизни кундалик турмуш тарзи орқали ҳис қилиш имкони ҳам тақдим этилди. Тил дарсларида иштирокчилар миллий таомларимиз тарихи, халқимизга хос меҳмондўстлик анъаналари юзасидан суҳбатлашди, танишди. Шу билан бирга, миллий таомларимизни тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ҳам ташкил қилиниб, уларни тайёрлаш сирларини амалиётда синаб кўрди. Жараёнда иштирок этган меҳмонлар ўзбек ошхонасининг бетакрор жозибасига яна бир бор гувоҳ бўлди. Амалий санъат йўналишидаги машғулотлар ҳам ёшларда ўзгача қизиқиш уйғотгани эътиборга молик. Хаттотлик дарсларида улар қадимий ёзувларимиз, хусусан, насх, настаълиқ ва куфий хат турларининг фарқи ҳамда ўзига хос хусусиятларини ўрганди. Талабалар бу хатларни мустақил қоғозга тушириб, хаттотлик санъатининг нозик сирларини ўзлари учун кашф этди.

Кулолчилик бўйича ўтказилган қизиқарли дарсларда эса иштирокчилар лойдан турли буюмлар ясаб, ҳунармандчилик завқини туйди. Ҳар бир нақшида қадриятларимиз акс этган миллий дўппиларимиз ҳақидаги маълумотлар ҳамда уларнинг ҳудудларга қараб турлича кийилиши талабаларнинг халқимиз менталитетини яқиндан англашига ёрдам берди.

— Мен асли Ҳиндистонданман, ҳозир Англияда яшайман. Оксфорд университетининг докторантура босқичида таҳсил оламан. Илмий тадқиқот ишим темурийлар ҳамда шайбонийлар тарихига бағишланган, — дейди Акшаж Ашатши. — Ўзбекистонни ва ўзбек тилини ёқтириб қолдим. Бу ерга келишим ўзбек маданияти ҳақида янада чуқур билимга эга бўлишим учун катта имконият яратди. Ўзбек тилининг нақадар қизиқарли эканини бу тилни ўрганаётганлар тўлақонли ҳис қила олади. Биз бу ерда жуда ажойиб инсонлар билан танишдик, ўзбек дўстларимизнинг меҳмондўстлиги бизни ҳайратга солди. Сафаримиз давомида Тошкентдаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамда санъат музейларига бордик. Шунингдек, шаҳарнинг ЮНЕСКО эътирофига сазовор бўлган машҳур биноларини кўришга муваффақ бўлдик.

Бугунги халқаро муносабатларда давлатларнинг қудрати фақат ҳарбий ёки иқтисодий салоҳияти билан белгиланмаяпти. Аксинча, мамлакат ҳақида шаклланган ижобий фикр ва унинг маданиятига ҳурмат кўп ҳолларда энг таъсирчан дипломатик воситага айланаётир. Оксфорд ўзбекшунослик дастурида таҳсил олаётган ёшларнинг келгусида ўз мамлакатининг нуфузли дипломати, йирик бизнесмени ёки минтақамиз бўйича етакчи таҳлилчисига айланиши шубҳасиз. Сабаби, бу нуфузли олийгоҳ дунёга етук кадрлар етиштириб бериши билан машҳур. Шу маънода, дастур қатнашчиларини шунчаки ўзбек тилини ўрганган чет элликлар эмас, тарихимиз ҳамда бугунги ислоҳотларимизни дилдан ҳис қилувчи “элчилар” десак, муболаға бўлмайди. Демак, хорижда Ўзбекистонни дунёга танитадиган бундай интеллектуал ва инсоний капитал келажагимиз учун энг мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Университетлар ўртасидаги мазкур шериклик ўқув ресурсларини янгилашга ҳам катта туртки бермоқда. Бошланғич босқичдаёқ Европа стандартлари (CEFR)га тўлиқ мос келадиган A1, A2 ва B1 даражадаги дарсликларнинг амалиётга жорий қилиниши миллий педагогикамизнинг ҳам ютуғи бўлди. Келгусида Оксфорд олимлари билан ҳамкорликда янги авлод ўқув адабиётларини яратиш аниқ мақсад қилиб олинган. Бундай нуфузли даргоҳ билан ҳамкорлик қилиш маҳаллий олимлар, тадқиқотчи ва ёш изланувчилар учун янги уфқларни очмоқда. Оксфорд мутахассислари билан ҳаммуаллифликда яратиладиган ҳар бир дарслик ўзбек олимларининг жаҳон илм-фанига кириб бориши ва мослашишини тезлаштиради. Ҳозир чет эллик талабалар ўзбек тили ва маданиятини нафақат аудиторияда, балки онлайн платформада интерактив усулларда ўрганиш имкониятига эга бўлмоқда. Бунинг учун яратилган махсус платформа шунчаки тил ўргатиш билан чекланмай, юртимиз тарихи, санъати ва анъаналарини ўзида жамлаган йирик виртуал энциклопедияга айланиб улгурди.

Ўзбек тили байрами арафасида мана шундай воқеаларга гувоҳ бўлиш ҳар биримизга ғурур бағишлайди. Оксфорд университети аудиторияларида Навоий ғазаллари янграши, хорижлик ёшларнинг ўзбекона лутф билан сўзлашиши кўп минг йиллик маданий меросимиз дунё минбарига чиқаётганидан дарак беради. Айни лойиҳа чет элликлар учун Ўзбекистонни кашф этиш воситаси бўлиш билан бирга ўзбек илм-фани учун дунёга чиқиш эшикларини очиб берувчи маърифат йўлидир. Тилимизнинг халқаро обрўсини юксалтириш йўлидаги бундай дадил қадамлар янги Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзбек тили рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган тил бўлиши лозим ва у бунга ҳар жиҳатдан муносиб.

Мулоҳаза

АҚЛ ВА ҚАЛБ ДАХЛСИЗЛИГИ



Сабоҳат ЖУМАНИЁЗОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими

Бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда. Кечагина тасаввуримизга сиғмаган технологиялар ҳозир кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Сунъий интеллект ва рақамли тизимларнинг жамиятга тезкорлик билан кириб келиши инсоннинг меҳнат қилиш, билим олиш, ахборотни қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш тарзини тубдан ўзгартирмоқда. Айни пайтда бу жараёнлар маънавий-маърифий янгиланиш ҳамда Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятлар очмоқда.





Хўш, технологияларнинг инсон ҳаётига олиб кираётган қандай ютуқ ва камчиликлари бор ҳамда бу жараёнда инсоннинг ўрни қаерда бўлиши керак?

Биз мисли кўрилмаган мураккабликдаги сунъий интеллект тизимларини яратишимиз мумкин, аммо инсон маърифати, унинг эътиқоди ва эмпатиясининг ўрнини ҳеч қандай алгоритм эгаллай олмайди. Бу фикр тараққиётга қарши эмас, аксинча, технологияни инсонга хизмат қилдиришга қаратилган мулоҳазадир. Шу боис, барча ислоҳот марказида инсон туриши ва технологиялар унга хизмат қилиши муҳимлиги таъкидланади. Қолаверса, халқнинг асрлар давомида шаклланган урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш ҳамда уларни келажак авлодга етказиш ҳам ҳақиқий тараққиётнинг белгиси.

Инсон қадри масаласи бугунги глобал таҳликалар даврида нафақат фалсафий-ахлоқий тушунча, балки давлатнинг рақобатбардошлигини белгиловчи стратегик омилга айланмоқда. Шу боис, Президентимиз мустақилликнинг 35 йиллигига бағишланган нутқида инсон қадрини янада юксалтирувчи еттита миллий дастурни эълон қилди.

Ушбу дастурлар марказида инсон қадри туради ва улар бир-бирини тўлдиради. Хусусан, биринчи дастурнинг айнан билим ва малакага бағишлангани тасодифий эмас. Чунки қолган олти йўналишнинг барчаси — соғлиқни сақлашдан тортиб, бағрикенглик дастургача — маърифатли инсонлар томонидан амалга оширилади.

Инсон қадри абстракт ғоя эмас, балки давлатнинг энг олий капитали ва жамиятнинг маънавий пойдеворидир. Тарихнинг кўрсатишича, миллатнинг ҳақиқий кучи табиий бойликлар ёки иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки унинг ўзлигини англаши, қадриятларини асраши ва юксак тафаккурли инсон капиталини шакллантира олиши билан ўлчанади.

Технологиялар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларни вужудга келтирадиган ва инсон манфаатига йўналтирадиган ақлидрок соҳиблари керак. Шу боис, билим эгаллаш бирламчи қадамдир.

Шарқ мутафаккирлари маърифатни билим ва ахлоқнинг яхлитлиги сифатида қабул қилган. Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, “Тарбиясиз берилган таълим айтиб бўлмас фожиаларга олиб келади”.

Шунинг учун ҳам янги Ўзбекистонни бунёд этишда таълим-тарбиянинг узлуксизлиги таъминланмоқда: мактабгача таълим тизимига қамров 78 фоиздан ошди. Барча болалар учун тенг бошланғич имкониятлар яратиш мақсадида 6 ёшли болаларнинг 100 фоизини мактабга тайёрлов гуруҳларига жалб этиш йўлга қўйилди. Бу уларнинг мактаб дастурини осонроқ ўзлаштириши, руҳий ва интеллектуал жиҳатдан тўлиқ тайёр бўлишига хизмат қилади.

Демак, маърифатни ёшликдан сингдириш инсоннинг ўзини, жамиятни ва табиатни англашига туртки бўлади. Маърифатли инсон технологиядан фойдаланади, аммо назоратни унга топшириб қўймайди.

Бу ўринда сунъий интеллектга нисбатан бугунги ёшларнинг муносабатини тўғри шакллантириш долзарб аҳамият касб этади. СИ маълумотни таҳлил қилади, матн яратади, инсон меҳнатини енгиллаштиради — буларнинг барчаси тараққиёт самараси. Аммо уни яратган дунё технологлари ҳам бу жараёнга нисбатан жиддий огоҳлантиришлар билдирмоқда. Жумладан, Microsoft асосчиси Билл Гейтс сунъий интеллект асрида роботларга солиқ жорий этиш ғоясини илгари сурди. Унинг фикрича, бундай чора инсон меҳнатидан воз кечиш суръатини секинлаштириб, тушган маблағни кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлашга йўналтириш имконини беради.

Бундай огоҳлантиришлар бежиз эмас. Ўзбекистонда корхоналарга сунъий интеллект жорий этиш харажатининг 50 фоизи қоплаб берилиши — кучли рағбат. Бироқ айни шу омил жараённинг ижтимоий-маънавий оқибатлари ҳақида ҳам ўйлаш, яъни технологик ўзгаришларни инсон қадрини сақлаган ҳолда амалга оширишни талаб этади.

Инсон ҳаётида маълумотдан нозикроқ, алгоритмдан мураккаброқ бир олам бор бу — инсон қалби. Инсонни инсон қиладиган омил қалб гўзаллиги ва ҳаловати бўлиб, у меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат ва садоқат каби ҳис-туйғулар орқали мустаҳкамланади. Бундай руҳий озуқани СИ бера олмаслигини инсоният бугун тушуниб етган.

Тиббиётни мисол қилайлик: шифокор ҳам, робот ҳам беморга оғир ташхисни етказиши мумкин, аммо буни қандай айтишда катта фарқ намоён бўлади. Шифокор беморнинг кўзига қарайди, қўлидан ушлайди, дада ва умид беради — буларнинг ўрнини ҳеч қандай технология боса олмайди.

Шу боис, ЮНЕСКОнинг 2021 йил ноябрда 193 аъзо давлат томонидан бир овоздан қабул қилинган “Сунъий интеллект этикаси бўйича тавсиянома”си бу борадаги биринчи глобал ҳужжатдир. Унинг марказида ҳам айнан инсон қадри ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи туради. Ҳужжат шаффофлик, адолат ва айниқса, сунъий интеллект тизимлари устидан инсон назоратини сақлаб қолиш каби тамойилларга асосланади.

Бу жаҳон ҳамжамиятининг технология қанчалик мураккаб бўлмасин, якуний қарор ва масъулият инсон зиммасида қолиши шарт деган хулосага келганидан далолат беради. Демак, етти миллий дастур доирасидаги ёндашув нафақат миллий заруратга, балки глобал тенденцияларга ҳам тўла мос келади.

Мамлакатимизда “Бирлашиб, буюк тарих яратамиз” шиори остида “Маърифат карвони” илмий-маърифий семинарлари ўтказилмоқда. Бу янги ғоя, янги ташаббус ва амалий ҳаракатга туртки бўлиб, зиёлилар ҳамда жамоатчилик вакилларини атрофида бирлаштирмоқда. Сентябрда бошланган учрашувлар республикамизнинг барча вилоятида, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг давлат хизматчилари, нуронийлар, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари ҳамда маърифат тарғиботчилари иштирокида ўтказилмоқда.

Мулоқотларда Президентимиз мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган нутқида илгари сурган ғоя ва ташаббуслар ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилиб, юрт тараққиётига ҳар бир инсоннинг муносиб ҳисса қўшиши муҳимлигига эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, маърузаларда тарихий хотира ва миллий ўзликни англаш, инсон қадрини юксалтириш, маънавий меросни асраш ҳамда миллий тараққиёт ғояларини ҳаётга татбиқ этиш масалалари ҳам кенг очиб берилмоқда.

Бугун Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда замонавий технологияларни миллий қадриятларга қарши қўймаслик, аксинча, уларни ўзаро уйғунлаштириш талаб этилади. Сунъий интеллект маълумот берса, инсон унга маъно ва ишонч бахш этади. Технология ҳаётни тезлаштириши мумкин, аммо қандай келажак қурилишини инсоннинг ақли ва маънавияти белгилайди. Шу боис, маърифат фидойиларининг бугунги энг катта вазифаси технологиялар асрида Ватанга садоқат туйғусини кучайтириш, инсон қадрини юксалтириш ва эзгулик ғояларини кўпайтиришдир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 23:55 Топширилди — 00:20